

1.

Доиранинг гиж-банги, сурнайнинг йиглоки нолаши бутун махаллани тутиб кетган. Тўйхона куёвнавкарларнинг ўйинини кўришга тўпланган хотин-халаж, бола-бакра билан гавжум. Елиб-югуриб хизмат килаётганларнинг оёги ерга тегмайди, огзи мулозаматдан бўшамайди: "Келсинлар, келсинлар, кани, ичкарига мархамат! Хай-хай, кадамларига хасанот", "Хой, овкатни опкелмайсизларми, чой кани, чой?" Гулшан кўшникида, кизлар учун ёзилган дастурхон қошида хомуш ва паришон ўтирибди. Эртадан бошланадиган келинлик мажбурияти, турмуш деб аталмиш сирли оламнинг мубхам ва бироз кўркинчли синоатлари юрагигагашлик солади. Гохида Рахимни куёвлик либосида тасаввур килиб, ташвишнок юзига табассум ёйилади. Дугоналари "жа ўлиб турган экан-да", деб хулоса чиқармасликлари учун дарров лаб-лунжини йигиштиради. Ишкилиб, Рахим билан турмуши яхши ўтармикин? Аммо у тасаввуридаги йигитларга ўхшамайди шекилли? Гулшан эр деганини келишган, кўркам юзли, аклли, бакуват йигит сиймосида тасаввур киларди. Рахим эса жуда рисоладаги куёвлардан эмасдию, харкалай, совчилар келиб ишни битиришгандан кейин ноз-фиروقка ўрин колармиди?! Бўлажак эрини бир неча бор учратиб, узук-юлук гаплашишган эса-да, феъл-атворини, кўнглини билолмади. Ўртоги Зулфиянинг айтишича, ўзи аклли-хушли, инсофли, аммо сал бўшангрок эмиш. "Маили, шуниси тузук, хадеб ишингга бурун сукавермайди, тергабгашингга тегавермайди, кўлга ўргатилган кўзичокдек атрофингга айланаверади", деб хаёлидан ўтказди. Вахоланки, ортидан югурганларнинг бирортаси шу лапашангга ўхшай олмади, совчи юборолмади.

Такдир деганлари кизик нарса экан! Олам яралгандан буён ҳеч бир жуфт ҳар томонлама бир-бирига мос келмаган чиқар. Бўш-баёв эрга осмонга сапчийдиган хотин учрайди. Битта гап минг тавалло билан сугуриб олинадиган камгап йигитга жаги тинмайдиган, тили чарчамайдиган киз рўпара келади. Аллакаёқдаги хунук, бедаво эркаклар онаси ўпишга ҳам кизганадиган хуриликларга уйланишади. Баъзи эр– хотинларнинг феъл-атвори тўгри келса, туриш-турмуши ё килиги монанадмас. Бошқасининг бўй-бастию хусн-жамоли олманинг икки палласидай ўхшаш бўлса, гаплари бир-бирига тўгри келмай қолади. Гўё Аллоҳ ана шундай паст-баланд, узун-киска, оқил ва офат жуфтларни учраштириб қўйиб, уларни синаётганга ўхшайди.

Харкалай Гулшан Рахимнинг ўз тенги ёки тенги эмаслигини яхши тушунолмади. Лекин орзусидаги йигитни кутаверса, бунисидан ҳам курук қолишини англаб етди. Бутун фикр-ёди тезроқ бу хонадондан кетиш эди. Ўгай отанинг пинхона ўкрайишларидан, онасининг пичингларида роса тўйган. Агар тўйи ўтса, хаётини бутунлай янгитдан бошлашни ўйлайди, холос. Ўшанда юрагининг энг тўридаги орзу-армонларини эшитадиган сирдош бўлади. Икковлон ахил-инок яшашади. Гулшан борган жойида елиб-югуриб хизмат килади, эрининг чизган чизигидан чиқмайди. Айникса, совчилар Рахимнинг онасидан бошқа ҳеч кими йўклигини айтишганида Гулшан суюнганидан кўзларини юмган куйи анчагача деворга суюниб қолди...

Ўртоқлари уни кийинтириб, ясантириб бўлишди. Авваллари пардоз– андозга унча хуши йўқ эди. Юзга бўёқ чаплаш бекорчиларнинг иши, деб ўйларди. Хозир эса дугоналарининг бир соатчалик хафсаласидан кейин у шунақанги очилиб кетдики, хатто ўзи ҳам кўзгудаги чехрасига сукланиб қараб қўйди. Юзига билинар-билимас мойупа сурилган,

киприкларда сурма, пайваста кошларда ўсма. Сочини калампирмунчокли сувда хўллаб тарашди. Эртақлардагидай бошдан-оёк оппок либосда, худди парилардай уёк-буёкка юради, хаяжонини босолмайди. Дугоналари унга хавас ва хасад билан назар ташлашади.

Тўйхонада ўйин-кулги икки соатча давом этганидан сўнг куёв– навкарлар кўзголишди. Анчагача йигитларнинг дўрилдок бакирик– чакириги, кахкахаси, энгил машиналарнинг "дуд-дуди", болаларнинг кий-чуви эшитилиб турди. Кейин кизлар базми Гулшанларникига кўчди. Янгалар келинни олиб келишгунча роса ўйин килишди. Гулшаннинг онаси ҳам лапанглаб, шох ташлаб ўртада анча айланди.

Гулшан кизлар куршовида саросар ўтирибди. Гохо аёлларнинг шўхликларига беихтиёр кўшилиб кетади, гоҳ ичига чирок ёкса ёришмай қолади. Уни кутаётган сирли манзиллар лоп етиб миясига келаверади, турмуш ташвишлари вахимага солади. Хаёти изга тушиб, бегона хонадонга мослаша олармикан? Тўй тараддуди билан овора бўлиб бу ҳақда тузукрок ўйлаб кўрмаганига ўқинди. Хатто Рахим билан никоҳ олдидан учрашишганида ҳам тўйнинг икир-чикирлари тўгрисида гаплашишибди, холос. Муҳаббат хақида кўп ўйлайди. Аммо бу мукаддас ва сеҳрли туйгунинг канакалигини чинакамига хис этолмайди. Хозиргача бирорта йигитни астойдил сева олмаган шекилли? Китобларда ёзилган хақикий севгига хали дуч келгани йўқ. У Рахимни яхши кўрадимми? Бу тобда юрагида унга нисбатан ишқдан кўра шафкатга, мутеликка мойилрок туйгулар хоким эди. Рахим-чи, у Гулшанни севармикан? Бу саволга ҳам баралла "ха" деб жавоб беролмади. Чунки йигитнинг бир-икки бор "Гул, сизни жонимдан яхши кўраман" деганини хисобга олмаса, унинг хавойи илинжлари ишқдан кўра гўзал кизнинг эри бўлиш истагига якинрок эди.

Янгалар келиннинг бошига ёпинчик ташлашди, икки кўлтигига кириб машинага олиб чиқишди. Куёвникига етгунча "ёр– ёр"ни кизитиб, ўзларининг келинлик даврларини эслаб кикир-кикир кулиб келишди. Уларни тинмай чугурлашаётган хотинлар, келинни кутиб ухламаган болалар карши олишди. Бир неча ўсмир машинани белбоғ билан тўсиб, "совганинг каттасини опчикмасанглар, келинни ўтказмаймиз" деб хиралик килишди. Когозга ўроглик нимадир олишгач, аранг муросага келишди.

Рахимнинг онаси Хидоят хола гўштсиз, бурушиқ кўлларини чўзиб, келинни машинадан авайлабгина тушираркан, "кадамингиз муборак бўлсин, болам", деди. Бўлажак кайнона хушрўй келинининг пешонасидан хайикибгина ўпди. Дарров кўшнининг кўлидан куракчани олиб, бурксиб тутаётган исирикни Гулшаннинг бошидан бир неча бор айлантирди: "Илойим ёмон кўздан асрасин!". Кейин хитой гулли косада ширинчой тутди: "Турмушларинг ширин, ўзларинг ували-жували бўлинглар!" Калтирок кўллари билан Гулшаннинг бармогига узук такаркан, "келинлик муборак" дея яна пешонасидан ўпди. Сўнг Гулшан бошини экканича кайнонанинг пинжида ховлига юрди. Кимдир устидан сочки сочди: канд– курс, танга-чака бошига такур-тукур ёгилди. Болалару хотин-халаж кий– чув килишганча ерга энгашишди.

Овози эркакшода яллаци чала киздирилган чирмандани дўппиллатганича дўриллаган овоз билан "ёр– ёр' бошлаб юборди. Ёр-ёр сира адо бўлмас эди:

Йиглама киз, йиглама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр:
Хай-хай ўлан, жон ўлан, жононаси, ёр-ёр,
Кизга хуштор бўлибди, кайнонаси, ёр-ёр.

Кайнонаси яхши бўлса, ўз боласи, ёр-ёр,
Кайнонаси ёмон бўлса, ёт боласи, ёр-ёр.

Гулшан яллачининг кўшигига кулок соларкан, мийгида кулиб кўйди. "Илгариги одамлар ҳам кизик экан. Остонаси тилло уйнинг нима кераги бор? Ахир, эр-хотин ахил, тотув бўлса кифоя-ку, битта нон билан корин тўяди-ку!"

Чимилдикдаги келин ҳам, куёв ҳам огзига талкон солгандай жим. Гохида шумрок аёллар чимилдикнинг бир четини кайириб, ичкарига мўралайдилар. Янгалар "гаплашиб ўтиринглар", дегандай пинхона им кокишади. Рахим нима дейишга хайрон, огиз очолмайди, нукул хижолатомуз тиржаяди. Гулшан эса, "бети каттик экан" деган таънага колмаслик учун тилидагини ичига ютади. Охири сабри чидамай, эрига шивирлаганнамо гапирди:

"Бирор нарса денг!.."

Рахимнинг иссиқданми, хижолатданми терчираб турган юзи баттар кизарди. Гап тополмай нимадир дебгўлдиради. Довдираб колганидан: "Одам биринчи марта чимилдикка кирганда сўзини ҳам йўқотиб кўяркан", деб юборди.

Гулшан аввал йигитнинг бу қадар соддалигидан "ках-ках" уриб кулворай деди. Аммо вазиятнинг нозиклиги эсига тушиб, лабини тишлади. "Чимилдикда ҳам шунака гаплашиб бўладими?" дегандай Рахимга ноз аралаш таънаомуз караб кўйди. Лекин йигитнинг бегуборлигидан, ростгўйлигидан кўнгли яйради.

Яна жимиб қолишди. Шу топда улар ўртасида сўз ҳам ортикча эди. Рахим кизнинг ял-ял ёнаётган ёнокларидан, хаяжондан билинар-билинемас титраётган дудокларидан кўз узолмай сархуш бокарди. Гулшан эса ерга караганича бўлажак хаётини ўйлаб ширин энтикарди. Рахим бирор нарсага алахсираганда унинг озгин гавдасига, жингалак сочлари, тўй олдидан киртишланавериб кўкиш тус олган юзига ўгринча нигоҳ ташлайди. Рахим таомилга кўра унга чой, ортидан бир ховуч хандон пистанинг магзини узатди. Дугоналари ўргатгани эсига тушиб, Гулшан шошқин ўрнидан турди. Ним таъзим билан пиёлани олди. Жойига ўтиргач, пиёла тагидаги танга кўмилгудек чойни етти-саккиз марта овозсиз бўшатди. Магиздан бир-иккитасини огзига солди. Кейин ўзи ҳам чой куйиб каллигига узатди. Шунда кўзи бехос йигитнинг хижолатпазлик, мамнунлик ва хурсандчилик барк урган чехрасига тушди. Ўзи ҳам тушунмаган холда рўпарасидаги кизариб турган Рахимга бирдан меҳри товлаб кетди. Ахир, бугундан бошлаб Гулшан унинг рафикаси. У эрига садокатли ёр, меҳрибон дилдор бўлади. Унинг хар бир сўзига махтал, хар имосига шай туради. Эри ҳам уни хамиша ардоқлайди, бошига кўтаради. "Эр-хотин – кўш хўкиз" бўлиб, оила дея аталмиш улкан ва огир аравани бирга судрашади. Шу тобда кизалоклигида рахматли бувиси сўзлаб берган ривоят эсига тушиб колди. Эмишки, кайсидир араб юртида эркаклар рафикаликка факат Бани Тойи кабиласидаги кизларни танлашаркан. Саркардалардан бири анчадан буён уйланмай юрган экан. Бунинг сирини аниклаш максатида у ҳам кайликни ўша ердан олиб келибди. Тўйдан кейинок урушга кетибди. Уч ойлик жангу жадалдан кайтиб ховлисига кадам кўйса, ичкарида икки аёл гўнгир-гўнгир гаплашаётган эмиш. Беихтиёр тўхтаб, уларнинг гапини тинглай бошлабди. Ховли ўртасида кайнонаси, ундан беш кадам нарида хотини турганмиш. Хотини онасини уйга таклиф килса, онаси рози бўлмабди. Бунинг устига насихат килишга тушибди:

– Кизим, энди бу уй сеники, согинганимда ўзим келиб тураман. Ичкарига кирмаётганимнинг сабаби – эрингдан рухсат олмагансан, шу боис мени уйингга таклиф

килишга ҳақнинг йўқ. Агар турмушим ширин бўлсин десанг, эрингни ота-онангдан ҳам азиз бил, уни ҳурмат қил. Эринг кўчадан келса, кўлидан нарсасини ол, орқасига ёстик кўй, дарров чой ёки сув тут. Ҳеч қачон ёлгон сўзлама, чунки ишончдан чиқасан. Ҳеч қачон унга хиёнат қилма, буни Яратган ҳам, бандаси ҳам асло кечирмайди. Хўп, бўлмаса, уч ойдан сўнг яна кўргани келаман, қолган гапларни ўшанда гаплашамиз.

Сарқарда ўзини панага олиб қайнонани ўтказиб юборибди. Шу тахлит, нега бутун юрт Бани Тойи қабиласи қизларини устун қўйишини тушуниб етибди.

У Раҳимнинг ўзига тикилиб турганини сездию, ҳаёллари тўзғиди. Ийманибгина ерга қаради. Шу тобда икки хис бир-бири билан олишарди. Гох улар ўша ривоятдаги қиздай эрига садокатли, вафоли, муте бўлишга ундар, гох қалбининг туб-тубида "нега унга бўйин эгишим керак, ахир эр-хотин ҳуқуқи тенг-қу" деган исёнкор таҳдид изғиб қоларди. Раҳим буларни сезмас, англамасди. Ўзини шундай хушрўй ва барқамол қизга рўпара қилган тақдирга шукрона айтганича, ёрининг қолларанг ёноқларига, гажак зулфига масрур термиларди.

2.

"Келиннинг ороми – тун,ганими – кун", деган экан бир шаддод хотин. Тўйига бир ҳафта бўлибдики, Гулшан ҳар тонг кўзини аранг очади, гўё миҳлаб қўйилгандай ўрнидан туролмай ётади. Осмон оқариб, қалдирғоч вижирлаши билан юрагигагулув тушади. Аммасининг тўй кечасидаги гапи лоп этиб эсига келади: "Жон болам, борган жойингда эрта туришга одат қил, уйингдагиларнинг ҳурматини ўрнига қўй, меҳнатдан қочма, қайнонанинг кўлидан юмушини ол". Ўшанда аммасининг гапига роса қулган, "вой-бў, шунча ишни қачон қилиб улгураман, ё фабрикадан пенсияга чиқволайми" деб қесатган эди. Эрининг хонадонига қадам қўйган қуниёқ ўшанда бекорга ранжиганини тушунди. Бу юмушларсиз келинлик мавсумининг охори, қайиғи кетиб қолаётганга ўхшайверади. Бугун ҳам руҳи уйғонган эса-да, ҳадеганда кўзи очилавермади. Ёз субҳидамида гох-гоҳ бўладиган тансик шабада дераза пардаси осилган халқачаларни шикирлатиб ўйнарди. Келинчак бирпас ҳузурланиб ётди. Димоғига райхон хиди келиб урилди. Қўшни ховлидан кўзининг чўзиб маърагани, пақир тарақлаши эшитилди. Мусича узок "қу-қу"лади. Бу ахволда ётавериш уятлиги эсига тушиб, кўзларини йириб-йиртиб очди. Эрининг қўлини секингина ёнига олиб қўйиб, кўрпадан сирғалиб тушди. Қўйлагини қийиб ташқарига чиқди.

Тушган ховлиси мўъжазгина, аммо анча қайиғи эди. Қун юришига қаратиб бир уй-дахлиз қурилган. Ёнида Хидоят қоланинг қонаси, нарида меҳмонхона. Унга ошқона ва тандирхона туташган. Иморатларнинг тикланганига анча бўлган шекилли, у ер-бу ери тулай бошлаган. Буни тўй шарофати билан оқлаб чиқилгани ҳам яшира олмаган. Саҳн устида сўриток. Ўртада қаттагина гулзор – сархил атиргуллар барқ уриб яшнаб ётибди. Атрофига садарайхон, қора райхон экилган.

Гулшан ювингач, атлас қўйлаги барини липпасига қистирди, майда ўрилган сочларини бошига қамбарак қилди. Устидан рўмолини ташлади. Қўлига супургини олиб, эшик олдини супургани чиқди. Аммаси ўша қунги насихатида қовлини ва қўчани супуришни қанда қилмасликни алоҳида таъқидлаган эди. Бу – янги келиннинг шаъни эмиш, маҳалла-қўй қонадонга қелин тушганини, ё ўша қонадонда қиз борлигини шундан билармиш. Иннайкиёин, қовли-қой тоза турса, одамнинг баҳри-қили очилиб, бахтли

бўлармиш. Хакикатдан, учинчи куниёк бу гапларнинг тўғрилигига ишонч хосил килди. Кўчани супуриб турган эди, икки қария бомдод намозини ўқигани масжидга ўтиб колди. Гулшан рўмолининг икки учини тишлаганича супуришдан тўхтаб, чоллар ўтиб кетгунича орқасини ўгириб турди. Қариялар атай унга эшиттирибми, ё бировининг кулоги огирмиди, харкалай каттик овозда гаплашиб кетишди:

– Мана, бир юмалаб Хидой хола ҳам келинлик бўлволди-а, мулла Мирхолик.

– Ха, ишкилиб, икки ёш кўша қарисин, ували-жували бўлсин. Келинболанинг ҳам оёк-кўли чакконгина шекилли, хамма ёкни гулдай килиб кўйибди, барака топкур.

– Нимасини айтасиз, биродар, зап яхши одатларимиз бор-да! Эрта тонгда кўчага чиксанг, киз-жувонлар эшигининг тагини чиннидай тозалаб, сув сепиб кўяди. Кўриб бахри-дилинг очилади.

– Аммо бу одат махаллаларда колди холос, мулла Обид. Дўмдагилар бўйра ўрнидек зинасини супургани эриниб, кўшниси билангиллашиб юраркан.

Қарияларнинг гапини эшитиб, Гулшан суюниб кетди. Бугун ҳам ўшандайгайрат ва хафсала билан ховлини супуриб-сидирди-да, калин килиб сув урди. Кейин кайнонасини уйготиш учун унинг уйига мўралади. Хидоят хола аллақачон бир кўлида тасбех билан жойнамоз устида ўтирарди. Аммо нигохи ховлида куйманаётган келинининг хар бир кадамини синчковлик билан кузатаётган эди. Унинг эпчиллигини, янги хонадоннинг юмушларига жон -жаҳди билан киришганини кўриб, юзида мамнунлик жилва киларди. Нихоят учовлон дастурхонга ўтиришди. Хадеганда гаплари ковушмади. Ўртага ўнгайсиз сукунат чўкиб, сўз очишга ҳеч ким ботинмасди. Эри кўзини деразага тикканича, бепарво нон чайнайди. Гулшан гоҳ кайнонасига, гоҳ эрига қарайди, ора-сира совуган чойдан хўплаб кўяди. Хидоят хола ҳам саросимада. Бир кўнгли ёшларга малол келтирмай ташқарига чикиб кетишни ёки "қойни уйларингда ичаверинглар", дея рухсат беришни ҳам ўйлади. Аммо бошданок келиннинг бошвогини кўйворгиси келмади шекилли, индамай кўяколди.

Жимликни Хидоят хола бузди. Келинига малол келтирмаслик учун охиста гап бошлади:

– Болам, энди шу хонадоннинг эгаси бўлдингиз. Ёлгизгина ўғлимни сизга топширдим, шунинг хурматини жойига кўйсангиз, мени ҳам иззатлаган бўласиз. Нима килайки, қисматим шунақа қора экан. Уста дадангиз билан беш фарзанд кўрдик, аммо Рахимжондан бошқаси турмади. Уларнинг доғи-хасратиди раҳматли дадаси ҳам ёш ўтиб кетди. Шундок ховлида она-бола шўппайиб қолавердик.

– Кўйсангиз-чи, аба, бугун шу гапларнинг нима қерағи бор? – деди Рахим аччикланиб ва кўлидаги бўш пиёлани дастурхонга пилдиратиб ташлади.

– Сени ишинг бўлмасин. – Хидоят хола ялинчок овозда жеркиди. – Мен келинжоним билан гаплашяпман. Ахир, хасратимни қимга айтаман, бу юрак кургур заққумга, зардобга тўлиб-тошиб кетди-ку. Ахир, мениям армонларим, орзуларимга кулок соладиган, дардимга малхам бўладиган келин насиб этгин, деб Яратганга кеча-қундуз тавалло килардим. Минг шукрки, оҳим Худога етди, шундок сулув, меҳнатқаш, иболи келин келди. – Аба, жа мактаб юборманг, – ерга қараб кизаринди Гулшан. – Хали жа ёлчителиб хизматингизни қилолганим йўк...

– Вой, хизматдан гапирманг, болам, – астойдил кизишди Хидоят хола. – Хар қанча иш ўзимдан ортмайди, Худога шукр, хали қучдан қолганим йўк. Эрингизнинг юмушига қор қелсангиз, менга сирдошу ҳамдарад бўлсангиз бас, қизим! Эр-хотин Тохиру Зухрога ўхшаб турмуш қилсангизлар қифоя, болам.

Икки аёлнинг хасрати хали-вери тугамаслигини сезган Рахим фотиха ўқидию, "бўпти,

мен ишга жўнадим" дея кўзгалди. Унга кўшилиб Гулшан ҳам ўрнидан турди. Эрини кузатиб, дастурхон йиккани кайтиб кирса, кайнонасининг кўзидагилт-гилт ёш, ютиниб ўтирибди. Хатто чойини ҳам хўпламабди.

– Ха, аба, хафа килиб кўйдимми? – хайрон бўлиб сўради Гулшан.

– Вой, нега диккат бўлай, болам? Суюнганимдан йиглаяпман. Орзуларим ушалганига йиглаяпман... Эҳ, кизим бу кунга етгунча чеккан азобларимни сиз сўраманг, мен айтмай... Янаям Худо одамзодга бардошдан керагича улашар экан...

– Ие, ўртада бирор гап ўтдимми? Ё менинг тўғримда...

– Йўг-е, бунда сизнинг айбингиз асло йўк. Гап бошка ёкда, болам.

Хидоят хола шундай дедию, енгини елпигич килиб кўзларини артди. Рўмолини тузатиб, кумушранг сочларини ичига яширди. Чукур сўлиш олди. Кейин келинига ўтиринг, дегандай ёнини кўрсатиб имо килди. Ўзи чойини бир хўплашда бўшатиб, сўник овоз билан гап бошлади:

– Ўргилай келин, мен содда эканман, атрофимда нималар бўлаётганига аклим етмасакан. Хозир одамлар орзу-хаваснинг кули бўлиб кетганакан. Хамма сени пул билан ўлчайдиган бўп колганакан. Бир хонадонга совчиликка бораман: "Кани, дадаси билан маслахат килайлик-чи" дейдию, эртасига айниб кетади. Бошкасига бораман: "Вой, кизимиз хали ёш, иннайкейин тўйга тайёр эмасмиз", деб кутулади. Яна бир жойда "ўглингиз бор-йўги заводда хисобчилар-ми?" деб пичинг килади. Кейин билсам, ҳеч ким хозир куёвнинг илму одобию юраги билан хисоблашмай кўйган экан. Хамма йигитнинг ота-онасини суриштираркан, амалини аникларкан, уй-жойининг канакалиги билан кизикаркан. Ана шунда хўнг-хўнг йигладим, "э, Худойим, азобларинг каммиди, шу тили билан юрадиганларга яна майна килиб кўйдингми", деб роса бўзладим денг, болам.

– Хаётда анча кийналган экансиз-да, аба, – сўради раҳми келиб Гулшан. Кайнонасининг сўзларидан руҳи тушиб кетган эди.

– Вой болам-ей, мен гапирмай сиз эшитманг. Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим, дегани менман. Тўрт болани гўдаклигидаёк ерга кўйиш осон дейсизми? Кейин хали соч-соколига ок тушмаган дадангиздан ажраб колдим. Устига-устак Раҳимжоннинг боши касалдан чикмайди, денг. Кўзимнинг оку-каросини топшириб кўяманми, деб еру кўкка ишонмайман Шу болам улгайиб, тўйини кўрармиканман, дея фигон чекаман. Маниям уйимни остонасида набираларимнинг калишчалари калашиб турармикин, деган орзуларим-чи? Янаям одамзод хаммасига чидар экан. Кўшнилари "шумкадам" деб оркаваротдан хакорат килганида ҳам, "кўзи тегади" дея, кичкина болаларини мендан яширишганида ҳам, маърака-маросимларга чакирмай кўйишганида ҳам – барига чидаганман. Шу ёлгизимга термулиб, бўй-бастидан кувониб яшайвердим. Минг катла шукрки, мана орзуларимга ҳам етдим. Энди бу хаётдан ягона илинжим колди. Кани энди кўпгина невара кўрсам, паст-баланд килиб хаммасини етаклаб ўйнатиб юрсам, асло армоним йўк эди.

Гулшан кайнонасининг ишорасидан уялиб ерга бокди. Нима килишини билолмай, дастурхонни йигишга тушди. Аммо Хидоят холанинг гапи хали тугамаган шекилли "кўяверинг" дегандай этагидан тортиб яна ёнига ўтказди. Кейин муҳим сирни айтаётгандай у томонга сал энгашиб кулогига шипшиди:

– Болам, шу насихатим эсингизда турсин: ёшлигингизда, токатингиз борида тугиб-туғиб олинг. Ўзбекни ўзбек килиб турган мехмондўстлиги билан болажонлиги. Ким нима деса деяверсин, кулок солманг! Хозир эшитишимча, болани кўпайтирма, деб пўписа килишаётганмиш. Тугрукхоналарда камрок тугсин, деб, болани апаратса килиб

олаётганмиш. Хой, калласини йўқотганлар, болани кўпайтирмасанг, ўзбеклигинг кайда колди? Иннайкейин ризк-насиба хам, юртнинг ободлиги ва тўкинлиги хам фарзанднинг кўплигига караб бўлишини нахот тушунмасанглар, дегим келади.

Гулшан "нокулай мавзу"дан яна дув кизарди. Аммо калбининг аллакайси бурчида кайнонасининг гапларини маъкуллаб турар, бир-биридан ширин-шакар фарзандлари бўлишини ўйлаб, юраги орзикиб-орзикиб кетади.

3.

Котибаликнинг бунаканги сергалва ва серташвиш ишлиги етти ухлаб тушига кирмаган, хаёлининг кўчасига келмаганди. Гулшан тирнокни киртишлаб, кирганга иргишлаб, бошка вақт телефонда гап сотиб, ўйга ботиб ўтираман деган эди. Каёқда дейсиз? Ит кувган соковдай, коровул чолга хам саломни чала килиб тўқкизларда идорага ховликиб кириб келади. Деразанинг кичкина кўзини апил-тапил очиб, тамаки хидига тўлган хонани шамоллатади. Кейин синган чойнакда гул тувакларга сув куйиб чикади. Шу орада халиям сумкасини кўлдан кўймагани эсига тушиб, унигаладонга ташлайди. Туфлисини шиппака алмаштиради. Бошликнинг хонасига кираверишдаги одам бўйи кўзгуга караб, уёк-буёгини тузатади. Бир жилмайиб, тилини чикариб, аксини масхаралаб хам кўяди. Энди у бугунги "жанг"га тайёр!

Шикоятчилар ва идорага иши тушганлар бирин-кетин, узун-киска кириб келишади. Энг аввал кўпинча кексалар пайдо бўлишади. Хатто баъзилари тонг окармай ховлидаги якка харига тизилиб, хассага суяниб ўтиришади. Сабабини коровул чолдан сўраган эди, "уларга кулма, кизим, кексалар кам ухлайди, довираб кеп колади-да", деди. Лекин чолларга токатдан берган экан-да. Бошлик кечкурун келади, десанг хам силжимайди, гўё кетишса, уни бир умр кўрмай колишадигандай кутишаверади.

Сўнгра сал ёшроқлар – бири анкайиб, бошкаси кўнкайиб кириб келади. Хаммасининг иши зарур, вақти тигиз. Бошлик шу топдаёқ кабул килиб, юмушини тўгрилаб бермаса, гўё киёмат койим бошланади. Иннайкейин, уй-жой идорасига иши тушмаган одам хам йўк, шекилли. Уларга жавоб килавериб, алдайвериб, ялинавериб, тасалли бериб, дўк уриб, бечоранинг жаги толади, тинкаси курийди.

Аммо келувчиларга барибир. Кўча кўрган, уддабуронлари ундан рухсат хам сўрашмайди, тўппа-тўгри бошликнинг хонасига кириб кетишаверади. Хатто кабулхонада кутаётганлардан хижолат хам бўлишмайди. Аввалига жахли чикиб, ўзини камситилган сезиб, бунакаларнинг йўлини тўсиб хам кўрди: "Каёқка кетяпсиз, мумкин эмас дедим-ку, Мавлон Жавлонович бандлар!". "Йўк, бизга мумкин", дегандай викор билан кириб кетишаверади. Бунака сурбетларга тенг келолмаслигига тезда кўзи етиб колди.

Ундайлар жуда устаси фаранг бўларкан: баъзилари ялтокланиб, куюк саломлашади, амма-холасининг ахволигача сўраб чикади. Кўзини кисиб, лабини чўччайтириб нималаргадир шаъма килади. Бошкаси, агар ичкарига кўймасанг, Мавлон Жавлоновичга кўшиб еб-ютворадигандай осмондан келади. Аммамнинг бузогига ўхшаб лаллайганлари хам бор. Улар Гулшаннинг кўзига мўлтираб, илиги калтираб кутишаверади. Хад килолмасликлари, хатто кабулхонада кутишга хам ижозат сўрашларини ўйлаганда, Гулшаннинг вужуди илк учрашувга отланган кизникидай ёкимли жимирлаб кўяди.

Гулшан турар жойлар бошкармаси бошлигининг бу кўримсизгина, аммо хамиша турфа одам билан гавжум кабулхонасига тасодифан тушиб колди. Аввал тикув фабрикасида ишларди. Аммо тўйдан кейин бир ой ўтмаёқ эрининг "тили" чикди:

– Гулшанхон, бу ишингиз сменалиги сал чатокрок экан-да, абамлар кийнаиб коляптилар, иннайкейин... менга хам ёкмаяпти.

Гулшан кулгига олди:

– Киройи ишласанг, тунги сменада ишлаб мазза килгин-да. Хамма уйкуни ураётганда сен гумбирлатиб чок тикасан. Буниям гашти бор.

– Майли-ю, иккинчи сменадан келишингизни кутавериб хавотир оляпман. Шунда токатим ток бўлиб, сменани топганни гўригагишт калаб ўтирибман.

– Кутманг, хотиржам ухлайверинг, ахир автобус хаммани уйма-уй ташлаб ўтади-ку, – деди Гулшан, эрига кувлик билан жилмайиб тикиларкан.

Кейин кайнонаси гўнгиллаб колди:

– Болам, ишингиз курмасин, ўша бошликларингизда жиндай одамгарчилик борми? Ахир, кирки чикмаган янги келин-куёвларсиз, мундай ёшликнинг гаштини сурмайсизларми?

Шуям турмуши – сиз ишдаю, эрингиз уйда. Сиз уйдалигингизда эса у ишхонада.

Охири хаммасига эрининг тогаси Носир мўйлов нукта кўйди:

– Гап мундок, ўрток келин. Эртадан ишни алмаштирасиз. Ўзи, ишлаган аялни жиним суймайди. Жа ўрганиб колган бўлсангиз, эрта кетиб, кун ботганда келадиганини топинг.

Кейин жиянига ўдагайлайди:

– Сен – гўрсўхта, хамиятингни йигиштириб кўйганмисан? Хотинчалари ярим тунда ишхонага кетсину, бу кишим ёстик кучоклаб ётсинлар. Э, хозирги ёшларга хам беш кетмадим. Белида белбоги бўлмаганидан кейин, гурурни сотиб еганидан кейин, улардан нимани хам кутардинг. Тамом, эртагаёк икковилашиб бошка иш топ!

У ёкка чопишди, бу ёкни дараклашди – маънилирок ишхонага дуч келишмади. Гулшан бу орада фабрикадан бўшаб олди. Тоганинг дагдагасидан кўркиб, шошилиш ва рўпара келган ишга кириб олишга Гулшаннинг кўнгли бўлмади. Ана шундай кунларнинг бирида кўшнилари Махфуза гап топиб келди: бир дугонаси турар жойлар бошкармасида иш юритувчи котиба экан, хозир тугрук таътилига кетаётганмиш, ўрнига одам зарур экан. Гулшан кайнонасига маслахат солди. Хидоят хола "майли" хам, "йўк" хам демади. Факат келини узоклашгач, ўглига сирли килиб: "бу, мунака ишдагилар хакида хар хил гап юради, халиги бошликлари билан... нимади, сал опок-чапокрок бўлишармиш..." деб кўйди.

Эри эса бирдан бошини кашиб, хаёл суриб колди. Янги ишга кўнай деса онаси манавинака деб кўнглини хижил килиб кўйди. Рад этай деса, ўзи бирорта маъкулрок иш топиб беролмаса... "Э, бор-е, шунча идорада юрган аёлларнинг хаммаси бузилиб кетмагандир! Одамнинг ўзига боглик. Ахир, айтишади-ку: "гунажин кўзини сузмаса, бука ипини узмайди". Аммо ёмон хотиндан ўзи асрасин, кафасга камаб кўйсанг хам бузукликка йўл топади", деб ўзига таслли бердию, хотинининг янги ишига розилик билдирди.

Мана, ўшандан бери котибаликни дўндириб ишляпти. Киладиган юмуши кўп эмасу, сергалва. Айникса кабул кунлари эшик дўхтирхоналарники каби очилиб-ёпилаверади. Хали биттаси кириб келади: "Качон ордерни топширасизлар?" деб дўк уради. Хали бошкаси бошини сукади: "Хой яхшилар, бир хафтадан буён уйдан чакка ўтади, тузатиб берасизларми-йўкми?"

Одамларга хам хайронсан! Бунака тайёрга айёрлик уларга каёкдан юкдийкин?

Гулшаннинг ёшлигида кор ёгса кўшнилари ўзлариники колиб, атрофдагиларнинг томигача кураб беришарди, биров иморат солса, сўраб ўтирмай хашарга чикишарди. Хозир-чи? Йўлагиди лампочкаси куйса хам алмаштиришга эринади. Ундан кўра уларга

коронгида пайпаслаш ёки шикоят ёзиб, гижжиллашиб юриш осонрок туюлади. Сув жўмраги яхши бекилмасаям, уида сичкон кўпайсаям, кулфи бузилсаям кунини курбон килиб арзга келиб ўтираверади.

Бошлиги хам зўр! Хаммасига гап тўгрилайди, кунига канча одамнинг кўйинини пуч ёнгокка тўлдириб чиқаради. Гохо шикоятга келганларга ёлгонни дўндириб турганида Гулшан кирсаям хижолат бўлмайди. Аммо унга секин кўз кисиб кўяди. Бундан "кўявер, ишимиз ўзи шунака, хаммасига югураверсанг, эрта кунда оёқдан коласан", деган маънони хам, "сендан яшириб нима килдим, сен хам ўз одамимсан-ку", деган шамаъни хам англаш мумкин.

Гулшан аввалига Мавлон Жавлоновичнинг феълига унча тушунмай, тортиниброк юрди. Кейинчалик ёмон одамга ўхшамайди, деган хулосага келди. Бир айби – сал ўпқарок, худди ўт тушгандай, хамиша шошиб юради. Хатто кўпинча хонасига киришга сабри чидамай, кабулхонадаёк арз тинглашни бошлаб юборади. Ёки хозир Гулшан билан хайрлашиб турган одам, зум ўтмай машинани ўт олдираётган бўлади. Кабулга келганларнинг шикоятини охиригача эшитишга хам сабри чидамайди: "кискарок килинг", "хўш, нима истайсиз?", "бўпти, бораверинг, тўгрилаймиз" деб огзига уради. Бошка кунлари когоз титади, газета вараклаб кўяди, ошналари билан телефонда узок хасратлашади. Гохида Гулшанни хам "гапга солиб" ўтиради.

Бугун эрталабдан буён ишхона жим-жит. Ичкарида Мавлон Жавлонович "почта" кўриб ўтирибди. Гулшан тўкиётган жун пайпогинигаладонга ташлаб, курси суянчигига тиралганича керишди. Ўрнидан туриб, ойна кутичадаги тилла баликчаларга овкат солди. Шу пайт эшик тепасидаги кўнгирок жиринглади. Гулшан эшикни кия очиб, саволомуз ичкарига мўралади. Мавлон Жавлонович когоздан бош кўтармай:

– Гулшанбону, битта чой ясаворинг, – деди.

Гулшан дарров электр чойнакни токка улади. Чойнак-пиёлани ювиб, сочикда ялтиратиб артди. Кейин чойни дамлаб ичкарига олиб кирди. Бошликнинг ўнг томонига ўтиб, кўлидаги чойнакни ликопчаси билан столга кўйди. Чойни уч маротаба кайтарди. Энди кетаман, деб турувди, бошлигининг бакуват кўли тиззасидан юкорирокдан махкам кучиб, ўзига каттик тортди. Бадани ток ургандай жимирлаб кетди. Бу ногахоний беодобликдан гангиб колди. Кейин шахд билан унинг кўлларини олиб ташлади. Алам вагазабда бошлигига каттик-каттик гапирди:

– Канака одамсиз ўзи? Уялмайсизми шунака килгани?

Мавлон Жавлонович котибадан бунака жиртакиликни ва хурковичликни кутмаган эканми, тамоман довдираб турарди. Бироздан сўнг ўзини кўлга олиб, беўхшов иршайганича деди:

– Оббо, Гулшанхон-ей, хазилни хам тушунмайсиз-а!... Нахот мени шунака ёмон одам деб ўйласангиз? Кўнглимда заррачли кора ният йўк. Азбаройи яхши кўрганимдан... агар дилингизни огритиб кўйган бўлсам, узр сўрайман.

Мавлон Жавлоновичнинг босик ва ялинчок овози Гулшаннинг боягигазабини чўгга сув куйгандай босди-кўйди. Важохати ўзгарди, кахр ўрнини ним табассум эгаллади. Аммо шунда хам узангидан тушмади. Кадрини оёкости килиб кўймайдиганлар тоифасидан эканини англаत्मокчидай, пўписа аралаш таъкидлади:

– Бунака хазилингизни иккинчи килманг менга! Йўкса килингизни кеннойимларга чакиб, шармандангизни чиқараман!

– Хўп, хўп, тавба килдим дедим-ку! Бунака сержахл, кахри каттик эканингизни билганимда иш хам буюрмасдим, чойни хам ўзим дамлардим, – деди бошлик рухи тушиб

кетгандай сўник овозда.

Гулшан унинг гапни бошка ёкка бурганидан довдираб колди:

– Мен унака деяётганим йўг-у... Ўзингиз ҳам бехосдан ёпишиб, одамни кўрkitиб юбордингиз-да...

Вазият хийла юмшаганини сезган Мавлон Жавлонович дарров отни камчилади:

– Бўпти, энди туйкусдан чўчитмайман. Олдин оғохлантириб кўйиб кейин кучоклайман.

– Вой, анув одамни каранглар, уялмайсизми шунака дегани?

– Кўйсангиз-чи, Гулшан, ёш боламидик уяладиган. Ким айтади сизни турмуш курган аёл деб?

– Нима, турмушга чиккан аёл дуч келган эркакнинг кучогига кирсин деб ёзиб кўйибдимми?

– Ие-ие, хали сизга биринчи марта рўпара келган одам бўп колдимми? Ана холос, хали шуми окибат?

– Боринг-е, ўзи сизга гап тўгрилаб бўлмас экан, ёмон одам экансиз! – Гулшан шундай дедию аразини ҳам унутиб, ташкарига юрди. Ортидан Мавлон Жавлонович "Ўша "ёмон одам экансиз!" деган гапни яна бир кайтаринг, Гулшан!" дея кичкириб колди.

4.

Гулшан ишхонадан чикканида куёш магрибга ёнбошлаган, азим чинорларда кушлар чугурлашиб жой талашаётган, кўчалар ишдан кайтаётганлар билан гавжумлашган пайт эди. Доимо кечкурун уйга шошадиган Гулшан бугун хотиржам кўринади. Биноларнинг пештокига, гиз-гиз ўтаётган машиналарга анграйиб карайди. У зохиран хотиржам бўлгани билан калбинигалати туйгулар безовта килади. Вужудида одамни хадеб жилмайишга мажбурлайдиган ёкимли хотиротлар билан балогатга етган кизнинг биринчи бўсасидай тотли хислар айкаш-уйкаш бўлиб кетган эди. Буларнинг бош сабабчиси бошлиги эканини ҳам билади.

Мавлон Жавлонович ўша кунги "хазил"идан кейин Гулшан бир-икки кун бошлик билан учрашганда тўрсайиб, тишининг окини кизганиб юрди. У ҳам котибасининг чапакай жахли чикканини англади шекилли, ўзини тортди. Рўпара келганда унинг кўзларига карамай, "яхшимисиз" дейдию, жавобини кутмай хонасига кириб кетади. Гулшан керакли коғозларни олиб кирганда бошини кўтариб кўймайди. У ҳам зарда килиб, ярашиб олишга уринмади. Аввалгидай, "Мавлон Жавлонович" дея оғзидан бол томмайди, зарур гап чикиб колса, кискагина килиб "фалончи сўровди", "пистончи кутяпти", деб кўяколади. Аммо ўзининг юраги сикилади. Муносабатлари кундан-кунга киров бойлаб, яна янги иш ахтариш фикри вахима солади. Гохида ўзининг зардапазлиги учун койийди. Рост-да, бошлиги ўзи унча ёмон одам эмас! Бирор марта "сен" демаган. Хамиша кайнонасининг йўталидан тортиб, эрининг ишигача суриштиради. Юмуши чикиб колса, ижозат тайёр. Тез-тез мукофот пули ёзиб туради. Каншарида мошдек холи бор шилпиккўз хисобчи "бошликни юрагидан урибсан, аввалги котиба бирор марта ҳам мукофот олмаган", деб пичинг килиб, кўз очирмайди. Тўгри, сал суюклиги, аёл кишини кўрса тили ўйнаб, сўлаги кайнаб кетиши бор. Баъзан Гулшан машинкада ёзаётганида ёнида турволиб, кўзини лўк килиб узок тикилишини кўймайди. Гулшан хижолат бўлганидан гапни айкаш-уйкаш ёзиб, хар сатрида тўккизтадан хато килиб юборади. Гохида Гулшанга еб кўяй деб караб колади. Шунда юрагининг ўйноги анчагача босилмайди, вужуди арабча ўйинга тушаётган раккосанинг баданидай дириллайди.

Бугун ҳам кизик бўлди. Бошлиги эрталаб хонасига кираётиб, тилла тишини кўрсатиб илжайганича куюк саломлашди:

– Салом бердик, Гулшанхон! Уйдагилар тинчми? Кайнонанинг сўкишидан, куёв поччанинг нукишидан безор бўлмаяпсизми?

Гулшан ҳам хурмати учун ўрнидан туриб каршилади, гинасини унутиб алик олди:

– Яхши келдингизми, Мавлон Жавлонович, жиянларим тузукми?

Бошлик унга маъноли табассум билан караб кўйдию, ичкарига кириб кетди. Шу ишга шўнгиганича тушгача бош кўтармади. Бу орада Гулшан имзога тайёрлаган коғозларни олиб кирди. Бошлик телефонда гаплашаётган экан, кўзи билан "анави ерга кўйинг" дегандай имо килди. Яна унга ёввойи эхтирос билан каттик тикилди. Гулшан кўзларини олиб кочди. Аммо, барибир, пинхоний бир куч яна бошлигининг суюк нигоҳини ушлашга мажбурлади. Кўзлари тўкнашди. Гулшан ҳам ёкимли, ҳам азобловчи бу синовга дош беролмаслигини сезиб, шартта ташкарига чикиб кетди.

Тушлиқдан кайтса, Мавлон Жавлонович хонасида йўк. Хатто қачон кайтишини ҳам айтмай кетибди. Бир-икки келувчига дудмал жавоб килиб, гўлдирашини ҳам эшитиб олди. Мавлон Жавлонович тўртга якин келди. Байрам арафаси бўлгани учун ишхонада деярли одам қолмаган, фақат ходимлардан икки киши чойхўрлик килиб ўтирарди. Бошлик кирасолиб тўғри Гулшаннинг кўлидан ушлаб, каттик силкитди:

– Келаётган Март байрамингиз билан табриклайман, Гулшанхон!

Кейин чўнтагидан анор гули рангидаги жажжи кутичани чиқариб, ичидан тилла узук олди. Уни жувоннинг узун ва нозик бармогига тақиб кўйгач, кафтининг ўртасига лаб тегишиб, охиста ўпди:

– Арзимас байрам совғаси. Эртага коллективнинг ўтиришида топширсам бўлардию... Шуниси тузук, гийбатга ўрин қолмайди. Қалай, ёқдим, жоним?

Гулшан жавобга ожиз эди. Ўтга ташланган шамдай аллақачон эриб соб бўлганди.

Хаяжондан ва бемаврид хурсандчиликдан икки ёноғи ял-ял ёнарди. Бошлигининг бу химматидан тили қалимага келмайди. Нихоят ўзини қўлга олиб деди:

– Раҳмат, сизга! Бирам чиройли-я, шунақасини жуда орзу қилардим. Овора бўлибсиз-да... Бунинг устига анча қимматдир!

– Сизнинг нархингиз жуда баланд, жоним, хали бунақа узукдан нечтасини такасизу... Жа, ўзингизни ерга ураверманг.

Гулшан яна лоладай қизарди. Боя бошлик кўлидан ўпганида бошланган титрок яна бутун танасини қамради. Довдираб қолганидан узукни омонатга олгандай бармогидан чиқариб қўрар, кейин бирдан ўзига совга қилинган эсига тушиб, яна жойига қўярди.

Қунни қандай кеч қилганини билмади. Кетаётиб сумқасини тортмадан оларқан, назари бармогига ярашиб турган узукка тушиб, оғзининг таноби қочди. Бирдан табассум ўрнини хавотирлик вағашлик эгаллади: уйдагиларга нима дейди? Пулга олдим деса, қанча топиши маълум, ойлигини ҳам асосан эрига топширади. Бошлигим совга қилди, деб айтолмайди. Рашк ва шубҳа қучаяди: "Қанақа ошиб-тошиб кетган бошлик экан, кеча қелган қотибасига қимматбаҳо узук совга қиладиган! Бир балоси бўлмаса, дарахтнинг учи қимир этармиди?"

Бордию, уйдагиларга индамаса-чи? Бу ҳам дастаси йўқ баҳона, ахир қачонгача яшириб юради? Бунинг устига шунақанги такқиси қеляптики, юраги хайитга қўйлақ олдириб, тезроқ қийишга орзуманда боланиқандай хақиради.

Ўйлайвериб ўйига етолмади. Охири қўл силтади: "Бор-е, шунга ҳам миямни ачитиб юрайми? Ўзи оберешга ярамаганидан кейин қандок олганим билан иши нима? Тўйларига

бир йил бўлибдию, "мана, сенга", деб кўчадан битта ангишвона ҳам кўтариб келмайди. У йўк, бу йўк, ўзи бошда икболдан кисган экан. Йўкса келиб-келиб ювиндисини ит кўрмаган, тутунини булут кўрмаган шу миркурукка тегармиди?"

Хаёллар билан бўлиб уйга кандок етганини ҳам билмади. Эшикнигичирлатиб ичкарига кираркан, айвонда кўзойнак такиб гурунч тозалаётган Хидоят холани кўрди. Узукли кўлини ёнига яшириб, кайнонасига салом берди. Кампир бошини кимирлатиб алик олди-да, кўзойнагининг тепасидан келинига караб деди:

– Келдингизми? Жиндай ош кияпман. Ковуриб, сув куйиб кўйдим. Тезрок дамлаворинг, хализамон эрингиз ҳам келиб қолади.

– Хўп бўлади, дарров кийимимни алмаштирволай.

У шундай деб, ечингани уйга кирди. Тошойна олдида кўйлагини алмаштираркан, корни анча дўппайганини кўриб, ширингина хўрсиниб кўйди: "Узуги ордона колсин, агар миннат киладиган бўлса, кайтариб бераман. Хали фарзанд кўрсак, эрим бундан ҳам зўрини совга қилади", дея ўзини овутиди.

Гулшан ошни сузаман деб турганида эри кириб келди. Дам товокни кўтарган жойида кайта ташлаб, эрининг кўлидан коғоз халтасини олди. Кийимини алмаштириб чиккунича дастурхон тузаб, ошни келтирди. Бу орада кайнонаси ва эрининг кўлига сув куйди. Учовлон сўзлашмай ош ейишди. Дастурхон йигилди. Эри ишхонасидаги гапларни онасига миждовланиб хикоя қилиб беришга тушди. Бошлиги курортга кетганмиш, ярим йиллик хисоботни яхши тугатгани учун бош хисобчи уни мактабди, яқинда бўлимга яна битта ўрин беришармиш, хорижий моллар савдоси бўлган экан, хўжалик мудирини беш юз сўмлик буюм харид қилганмиш, холбуки ойлиги атига саксон сўммиш. Хуллас, шунака гаплар. Гулшан эрининг хотинлар каби майда-чуйда тафсилотларигача эринмай хикоя қилишини, кайнонасининг лаб кимтиб, "хим-хим"лаб маъкуллашини бирпас эшитиб ўтирдию, кейин зерикди. Она-болани ёлғиз қолдириб, секингина ўрнидан турди. Уйига кириб, беркитган жойидан яна узукни олиб кўлига такди.

Эри ярим соатлардан кейин кирди. Бир пас уйнинг ўртасида серрайиб туриб қолди. Кейин негадир бир нарса кидиргандай, шифтнинг бурчак-бурчакларигача изкуварлардай синчиклаб караб чикди. Оғзини катта очиб, курт еган тишларини кўрсатиб эснади. Кейин кўрпача устига ўтирволиб, ўзининг хар бир харакатини эринмай кузатиб ўтирган хотинига юзланди:

– Жой қилмайсизми, Гулшан? Бугун итдай чарчаганман. Иш қайнаб-тошиб кетди. Бир хамкасбимизнинг тоби қочиб ётган эди, уни кўргани Тошбулокка ҳам бориб келдик. Гулшан индамай жой қилгани тушди. Ёстик кўйиб бўлган эдики, эри апил-тапил ечиниби, жундор оёқларини кашлай-кашлай ўрнига таппа ташлади. Гулшан чирокни ўчириб, яна бояги жойига чўқди. Эрининг "ётмайсизми?" деган саволига "хозир" дея жавоб қайтардию, икки тиззасини кучоклаганича хаёл суриб ўтираверди.

Шу кўйи анча ўтирди. Кейин эрининг уф тортганича бошка томонига ағдарилганини кўриб, хали ухламаганига ишонч ҳосил қилгач, секингина гапирди:

– Бугун ишхонада менга узук совга қилишди.

– Хмм, – деди эри яна эснаб. – Авваллари ишхоналарда соат беришарди, энди узукка ўтишибдимми? – Эри шундай дедию бошини хиёл кўтариб сўради: – Нима, энди мукофотга узук олдим, деб уйкудан ҳам воз кечмокчимисиз?

Гулшан жавоб бермади. Оғрингидан, жахли чикканидан, аламидан чирокни шартта ёкиб, эрини тузламокни ҳам ўйлади. "Эркак бўлмай ўл, нимага совга қилишди, ким берди, қанака узук экан, деб қизиқишга ярамадинг-а" деб уни узиб-узиб олгиси келди. Кейин

айниди: э, эрига барибир-ку. Дарди йўк кесак, дегани шу бўлса керак-да. Нима муносабат билан бердийкин, деб ўйлаб ҳам кўрмади. Хали эрталик байрам хаёлининг кўчасига ҳам келмаган. Совга у ёқда турсин, бир огиз гап билан табриклаш ёдига тушча-си?... Бу ахволда умри бекор ўтадиганга ўхшайди. Мавлон Жавлонович ҳам одам-ку, уйда хотини қолиб, ишхонасидаги аллакандай котибанинг кўнглини олиб юрибди...

5.

Ўз кадрини синаб кўрмоқчи бўлган аёл тугруқхонага тушсин экан. Уч кун аввал эсон-омон кутилиб олсам бас, деган Гулшан бугунга келиб тугруқхона хаётининг шиддатли оқимига тушиб кетди.

Аввалига хамхоналар ўртасида шунчаки танишув бошланди:

– Бу нечанчиси, тўнгичингизми? Канча кило тугилди?

– Сизни қаердадир кўрганман. Янги ЦУМда ишла-масмидингиз?

– Болангиз ўгилмиди? Меники яна киз бўлди, хали уйдагилар ковок-тумшук киладим, деб юрагим безиллапти.

– Хўжайин кайда ишлайдилар? Вой, оддий мактаб деректоримилар? Бўйнингиздаги занжирни кўриб ювелирнийда турармиканлар, деб ўйлабман...

Ана шундай киска танишувдан сўнг хамширалар чакалоқларни эмиздиргани олиб киришди. Бирпасда хаёт икир-чикирлари унутилди. Хамхоналар ўз фарзандлари билан овора бўлиб қолишди. Айникса, Гулшанга ўхшаб илк фарзанд кўрганлар чакалоқларини ялаб-юлаб ташлашди, ўпавериб лунжини шишириб юборишди. Хамширалар уларни кайтариб олиб чикиб кетишгач, суҳбат яна аёллар севган мавзуларга кўчди:

Учинчи фарзандини туккан, лўппиюз, қорақош жувон хамхоналарини қойил қилмоқчи бўлгандай шанги овоз билан хаммани ўзига қаратди:

– Қайнонамлар баннисадан тушишимга "Жиммининг кўз ёшлари" деган материалдан кўйлак тиктириб кўйибдилар. Вой, нимага овора бўласиз, дедим. Ахир ўтган гал хам шунақа қилувдилар-да.

Унинг гапига бош қилиб маъқуллаб турган хушрўй, аммо олд тишлари сўйлоқ келинчак гапирди:

– Нега унақа дейсиз, қилади-да. Аёл киши кўз ёриганда ўлим ёқасига бориб кайтадию, яна кизқониши хам борми, ўргилай.

Бунга арвоқдай ориқ, гапирганда қошининг икки учи кўтарилиб-тушадиган жувон кўшилди:

– Хай, ўттоғлар, озиб-ёзиб шунақада эримизни эритволмасак, қачон бирор нарса обереди. Мана, меники "агар ўгил тугсанг беш ип марварид совга қиламан" деганлар. Қани, энди обермай кўрсинлар-чи!

Она бўлганига қувониб еру қўққа сигмай, ўзини кўйгани жой тополмай юрган Гулшан бунақа гаплардан кейин ўзгарди-қолди, хомуш тортди. Кеча хам эшитувди, аммо хамхоналарининг мактанишларига унчалик эътибор бермаганди. Ахир, аёл киши бисотида биттаю битта кўйлаги бўлса хам қайси бирини қийсам экан, деб дугонасидан маслаҳат сўрайди-ку! Хангомаларга қулоқ осмай, вақт топди дегунча кизчасининг қулақдай юзига, билинар-билимас қошларига, пистадеккина бурнига тикилиб юривди. Аммо бугунга келиб феъли қуз хавосидай айнади -қолди.

Диккатпазлиқ "қизалоқли бўлдингиз" деб хушхабар етказган хамширага эри берган

суюнчидан бошланди. Уч сўмнинг дарагини эшитиб эрига индамаса ҳам ичида огринди, ковок-тумшук килди. "Курумсок, яхшиямки еттинчи ёки саккизинчисимас". Кўтариб келгани икки кути печенье билан бир шиша катик. Топган гапига ўлай дейсиз: "кўзи ёриган аёл пархез саклаши керакмиш, абаси шунака деганмиш". Бу гапни эшитиб эрини бир хикоядаги сўтак йигитга ўхшатиб юборди. Эртасига коракош хамхонаси ярасига туз сепди:

– Намунча эрингизни авайлайсиз? Нима бало, киз тугдинг деб уч кунда бир хабар оляптими? Сал мундок каттикрок турунг, тирночка зор нечтаси юрибди. Шундок гулдай хотиннинг оёгини ўпса арзийди. Меникини кўряпсиз-ку, бир кунда уч махал дераза чертади...

Тугрукхонадан уйга тушгунча фарзанд илинжидаги ширин орзулар, эсон-омон меҳмон кўргандаги қувончли сониялар, чакалогини кўлга олиб багрига босгандаги, тўйиб-тўйиб хидлагандаги рохатбахш дамлар ўрнини бора-борагашлик, алам, эрига бўлган нафрат туйгулари эгаллай бошлади. Эр ва кайнонанинг хар бир сўзидан, харакатидан нукс кидирди. Уйга жавоб бўлганида эри машина ушлолмай уёк-буёкка чопганида ҳам, уйда кайнонаси бир кийим бўзрайган матони чакалокнинг бошига кўйиб чикиб кетганида ҳам, хонага исирик тутатиб киришганида ҳам тутокиб, жахли чикаверди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин яна улар ўртасида жанжал чикди. Гулшаннинг онаси келувди. У кизидан хол сўраган бўлди, набирасини суйиб эркалади. Кейин кудасига юзланди:

– Кудда, болаларимизнинг биринчи фарзанди. Кичикрок тўйча ўтказиб, якин-атрофни чорласакмикин? Биз ҳам серуруккинамиз, яккам-дуккам келавериб, хали безор килиб юборишади.

– Майлию, кудда, – ялинганнамо чайналди Хидоят хола. – Бошимда эркагим йўк, кўчага чикиб беш сўм топиб келишга курбим етмайди. Куёвингиз ҳам ёлгизкўл, бир томонда уй бошлаб кўйган. Шунга сал сабр килиб турайлик-ми девдим. Хали олдинда канча-канча тўйлар бор. Худо хохласа, келаси гал ўгил кўрса хали катта тўйлар килармиз?

Онаси индамади. "Ўзларинг биласизлар" дегандай лаб буриб, кош кериб кўяколди. Уни кузатгач, кечкурун эри келганда жанжалнинг каттасини Гулшан бошлади:

– Ха, киз деб назарларинг илмаяптими? Бунака, боланинг кадрига етмаганга фарзанд ҳам хайф экан! Кўлингиз калта экан, бўйдок юривермайсизми? Уйланишни ким кўйибди, рўзгор тебратишга ярамасангиз?

– Гулшан, нима жин урди? Жа огзим бор экан деб хакоратга ўтиб кетяпсан-а? Ким килганини мен килмабман ахир!

– Ие-ие, хали куббани жубба этиб, хамма нарсани дўндириб кўйганман, деб ўйлаб юрибсиз, шекилли, – кўлини пахса килиб хайкира кетда Гулшан. – Уч сўм суюнчи берган сизмидингиз? Одамлар раддомдан тушганда симли материаллардан кўйлак кийгазганда сизнинг топганингиз ўттиз сўмлик нейлон бўлдимиз? Бешик тўйи килайлик деса, унга кўнмасанглар. Ха, гадойваччага ўхшаб йўкловга чиккан хотинларга холвайтар пишириб келайми?

– Ахир, хаммасиям аста-секин бўлади-да! Очмасмиз, ялангочмасмиз. Мана, фарзанд ҳам кўрдик, тўй ҳам бўлар, кўйлакнинг ҳам кимматини кийиб коларсан.

– Качон, качон, кариганимдами? Ўлиб бўлдим ёлгон ваъдалардан – Гулшан ўрнидан туриб, кўлини белига тираб олди. – Качон карасанг, сабр кил, сабр кил. Э, сабригаям ўт тушсин! Ўзи пешонам шўр экан. Гунохим нима ахир, сизга турмушга чикканимми? Ё эр олмай кўчада колибмидим?

Гулшан шундай дедию, бошини каравотдаги ёстикка ташлаб хўнг-хўнг йигига тушди. Хидоят хола бемаврид гапириб, келинимни хафа килиб кўйдим, деб ўйладими, хонасидан чикмай колди. Эри уф тортар, ташкарига отилар, дам ичкарига кирарди. Хотинига нималардир демокчи бўлар, аммо тез фикридан кайтиб, тинмай пешонасини укаларди. Чакалок бигиллаб йиглашга тушди.

Гулшан алламахалгача шифтга тикилган кўйи хикиллаб ётди. Боласини кўлга олиш, хар кунгидай унинг чехрасига термилиш хам юрагига сигмади. Индамай ўй суриб ётаверди. Тўгрида, у тенгилар аллакачон йўлини топиб, рўзгорини тиклаб олган. Хаммасининг огзи тўла тилла тиш, хар бармоқда узук, хар маъракада турфа кўйлақда келади. Яхшиямки, у айримларга ўхшаб уйда бекорчи эмас. Аммо шунда хам бу курумсок, тангатешар эр билан кўнгли-кўкси кўтарилмади. Топиб олган гапи: "Одамнинг бахти латта-путтада эмас, бир-бирига ардокли бўлишда". Курук савлатингни кўриб, кайси жувон ардоқларкин, кўрайлик-чи!

Шуларни миясидан ўтказаркан, турмуш хакидаги кизлигидаги тушунчалар ва чинакам хаёт ўртасида ер билан осмонча фарк борлигига энди ишонч хосил килди. Ўшанда эримнинг нукси бўлмаса, эрталаб кетиб кечкурун кириб келса, гапимга кулок солса – кифоя деб ўйлаган экан. Аммо адашибди. Эрнинг коматию хусни, сўзамоллигию ишлаши сарик чакага хам арзимас экан. Аввало омадини берсин экан, топармон-тутармон бўлсин экан. Мундок ўйлаб караса, жамики уруш-жанжаллари йўкчиликдан, эрининг камхаржлигидан келиб чикибди.

Ўз хаётини атрофдагиларга, синфдош дугоналариникига солиштириб кўрди. Бирортасиникига ўхшатолмади. Хаммаси ўзига тўк, ташвиши йўк оилаларга келин бўлган. У эса мана шу огзидан ош олдириб, хамёнга тош солдириб ўтирадиган лавангга тегибди. Айтишади-ку, пашшанинг чечани ахлатга кўнибди, деб.

Ўшанда онаси нега Рахимларникидан совчи борганида бурнини жийирганини, "мушукнинг кўнгли кийма тилабдими", деб кесатганини энди тушунди. Эл огзига элак тутиб бўлмас экан. Тўй ўтибдики, онасининг кулоги таънадан, пичингдан бўшамайди: "Шундок хурлико ўша тул кампирнинг тулаган ховлисига хайф!", "Хай, унака камситаверманг, овсин, ахир куёвбола беш йил институтда ўкиб келган-а!..." "Э, кейинги эрининг дашномларидан тўйиб кизини суриштирмай хам берворди-да, бечора". Бор-е, деб бош олиб чикиб кетгиси хам келади. Аммо ўйланиб колади. Каёкка хам боради? Онасининг хам, ўгай дадасининг хам кўзи учиб турмагандир? Кучок очиб кутиб оладиган бошка меҳрибони йўк. Шунда ноилож ўзига-ўзи тасалли беради: "Ахир, эрим ёмон одам эмас-ку! Ичиб келмаса, бирор марта чертмаган бўлса. Хатто сансирашга хам ботинолмайди. Кайнонам беозор, кўзимга мўлтираб, салга калтираб туради. Агар Рахим хам Шарофатнинг эрига ўхшаб ичволиб, хар куни кўзимни кўкартириб турса нима бўлади? Шунисига хам шукр!"

Хаёл сура-сура кўзи илиниб копти. Боланинг шарпасидан чўчиб уйгонди. Эри кизини кўтарганича унинг у бошидан-бу бошига юрар, дўриллаган овоз билан алла айтиб, уни овутишга бехуда уринарди. Шошиб ўрнидан турдию чакалокни кўлига олди, кўкрак солди. Таниш хидни сезди шекилли, кизи хам тинчиб колди. Гулшаннинг кўнгли бирдан юмшади. Бояги аламлари зумда таркалди. Кўзлари хиёл сузилиб, юзига табассум югурди. Кулгичлари ўйнаб, чехрасида мамнунлик порлади.

6.

Мавлон Жавлонович ижрокўмдаги мажлисдан хуш кайфият билан кайтди. Кабулхонада ҳеч ким йўклигини билгач, тўғри Гулшаннинг олдига келди. Унинг ноз ва энтикиш билан ўрнидан турганини кўриб, сўрашмоқ учун узатган кўлини ўз кафтига кўйганича, бўш кўли билан устидан авайлабгина силади.

– Зерикмай ўтирибсизми, Гулшан? – сўради котибанинг кўлини кўйиб юбормай. – Мени ҳеч ким сўрамадими?

– Вой, бир ошнангиз кўнгирик килувди. Хозир... Исмини манави ерга ёзиб кўювдим...

– Майли-майли, кейин топарсиз, – деди бошлик бепарвогина. – Хозир ходимларни тўпланг, катталарнинг гапини уларга етказиб кўяйлик. Иннайкейин, мажлисдан сўнг олдимга кирсангиз, муҳим гапим бор.

– Хўп бўлади, Мавлон ака, – деди Гулшан яшнаб, кўлини охиста тортиб оларкан.

У ходимларни бирма-бир мажлисга хабарларкан, миясида шубҳа ва кизикишгимирлаб кўярди. Канака муҳим гап айтаркин Мавлон акаси? Ўшанда ярашиб олишганидан кейин бошлик ва котибанинг ораларидан кил ўтмайдиган, бир соат кўришмаса чидолмайдиган бўлиб қолишди. Энди у тўппа-тўғри "Мавлон ака" деб мурожаат килса, бошлиги ҳам "жоним Гулшанхон" деб лабидан бол томади. Аввалига котибанинг қари кизларникидай жиртакилигидан, бармоги тегиб кетса сапчиб тушишидан юрак олдириб кўйган Мавлон акаси энди пана-панага тортиб белидан кучишдан, гоҳида "бехосдан" оппок бўйни, гажак ёпишган ёнокларига лаб теккизишдан тортинмай кўйди. Март байрамида совга килинган узук Гулшаннинг ихтиёри ва тилига такилгандай бўлди. Шунинг учун ҳам у хозир мажлис тугагини бетокат кутар экан, охириги ходим чикиб кетиши билан хаялламай ичкарига кирди. Эшикни маҳкам зичлади.

Мавлон анча вақтгача унинг хол-ахволини сўраб ўтирди. Гулшан бир-икки марта соатга қараб кўйганидан кейин мақсадга кўчди:

– Гулшан, бугун кичкина ўтиришимиз бор эди. Шунга сизни ҳам таклиф килмокчийдим.

– Канака бўларкин, – бир оз ўйланиб тургач деди Гулшан. – Уйдагилар кечкурун кўпам рўйхушлик беришмайди. Иннайкейин, ўтириш нима муносабати билан ўзи?

– Нокулай бўлса ҳам ... Тугилган куним эди... Унча кўп одам бўлмайди.

– Э, чин кўнгилдан табриклайман, Мавлон ака!

– Раҳмат. Шунга катнашсангиз хурсанд бўлардим. Бир-икки яқин одамларни айтганман. Хохласангиз, хўжайинни ҳам бошлаб олинг.

– У киши командировкага кетганлар.

– Унда яна яхши! Ха, айтгандай ўтириш уйда эмас, бошқа жойда бўлади. Яқинда янги меҳмон кўрганмиз, хотин хали уриникка ярамайди.

– Кўшалок тантана денг... Ие, мен у ерни билмайман-ку?

– Янги шаҳарда. Хозир адресини ёзиб бераман.

Гулшан адрес ёзаётган Мавлоннинг кўллари титраётганини кўриб хайрон бўлди. Аммо бир сўз демади. У берган коғозга тикилганича хонадан чиқди.

У дўкон айланиб, бошлигига совга кидирди. Сўнг кизини богчадан олиб, кайнонасига топширди. Келинининг қаёққадир отланаётганини кўрган Хидоят хола арчаётган картошқасини сувли жомга ташлаб, саволомуз каради. Буни сезган Гулшан аввалроқ маънили баҳона топиб кўймаганидан бироз шошиб қолди:

– Халиги... бир дугонамникида маърака бор эди. Ишхонамиздаги хаммани айтганди. Ман ҳам борсам девдим.

– Нимага шиппиллаб қолдингиз десам, бу дардингиз бор экан-да. Айтмайсизми, эрим йўк эди, ижозат олманганман деб! – Келинга шубҳа аралаш синчковлик билан тикилаётган

Хидоят хола ноилож, тахдид билан тайинлади: – Жа иложи бўлмаса борингу, кўп ўтирманг, хаяллаб колманг, бўптими?

У уйга кириб тошойна олдида анча туриб колди. У ерда канака одамлар бўларкин? Агар хаммаси Мавлонга ўхшаш катта охурдан ем ейдиганлар тўпланса, бормагани яхши. Кийгани мундок тузукрок кўйлаги хам йўк. Бари аллакаёкдаги урфдан колган матолардан. Бир-икки марта йигиб юрган пулига кўйлак олиб кийволай дедию, бошларида уй куриш тургани учун кайнонадан хайикди. Хали улгурарман, деб ўзига тасалли берди. Агар ишхонасидаги Ризвонга ўхшаб атир гулли "Нилуфар"дан кўйлак тиктирса борми, хамминг кўзини ўйнаторарди. Ўзини ўша кўйлакда тасаввур килиб бахри-дили очилди, жилмайиб кўйди. Кейин нигохини кўзгуга кўчирди. Ундан хинд кизлариникидай корамангиз чехра ним табассум билан караб турарди. Пешонани тўлдирган кўнгирок сочлар, ингичка пайваста кошлар, шўх чакнаган кўзлар, чимдиб олгандай бурун, жажжигина огиз... унинг юз-кўзидан тирнокча хам нуқс топиб бўлмасди, хаммаси ярашикли, мутаносиб. "Хали, чакки эмассан, Гулшан" деб ўзича кувониб кўйди. Факат ёногидаги хомилаторлигидан орттирган билинар-билинемас доғлар кўнглини сал хижил килди. Ёг упа олиб ўша доғларни яширишга уннаб кетди.

Гулшан иккинчи каватдаги чарм копланган эшик кўнгирогини чалганида окшом туша бошлаган эди. Ичкаридан паст куй товуши эшитилиб турарди. Алланарса тараклаб кетди. Эшикни Мавлон очди. Гулшанни кўриб севингани шундок кўзларидан билинарди. Уни келмайди, деб ўйлаган ёки уйни топишига ишонмаган бўлса керак.

У йўлакка туфлисини ечиб, Мавлон узатган шиппакни оёкка илганича ичкарига кирди. Безатилган дастурхон атрофида бак-бакалок, пўрим кийинган бир йигит билан унинггирт акси – эчкидай орик, юзи хам чўзинчок, аммо ўзи хушрўйгина жувон ўтирарди. Гулшан саломлашди. Улар бараварига туриб, Гулшан билан кўл бериб кўришишди. Кейин рўпараларидаги курсига таклиф килишди. У хижолат чекиб, ийманибгина ўтираркан, негадир каршисидаги аёлнинг бўйнидаги марваридга нигохи тушди. Озгин бўйнига шундок йирик марварид ярашмабди, деб дилидан ўтказди. Шунда у хамон кўлидаги совгани топширмаганини эслади. Уни Мавлонга узатаркан, секингина "тугилган кунингиз муборак бўлсин", деди. Мавлон эшитмагандай, совгани хафсаласизлик билан ёнидаги юмшок ўриндикка ташлади-да, уларни таништиришга ўтди:

– Бу гўзал боя сизларга айтганим – Гулшанхон. Бир идорада ишлаймиз, бизнинг котибамиз.

Бакалок йигит хам, хотини хам бараварига: жуда яхши, жуда яхши, мана, танишиб олдик, дейишди. Мавлон яна давом етди:

– Манави полвоннинг исми Махмуд, лакаби Тарвуз.

– Хўв бола, лакабга ўтиш бўлса энди мендан кўрасан,– дея ёлгондакам пўписа килди Бакалок.

– Хазил, хазил, – деди кула-кула Мавлон яна Гулшанга караб таништиришга тушди. – Ёнларидаги паризод эса Тарвузни одам килиб юрган маликалари Нодирахон. Мени танисанглар керак. Уй-жой идорасини юргизиб турган акаларинг Мавлонбек бўламан. Хўп, мана, танишиб олдик. Энди ёппасига дастурхонга хужум.

Дастурхон жуда тўкин, писта-бодомдан тортиб бодринг, кулупнайгача, парракланган казидан тортиб, "Куш сути" тортигача бор эди. Гулшан ранг-баранг неъматлардан кўз узолмай колди. Гох рўпарасида ўтирган, бурундаги холдай бир-бирига номуносиб эр-хотинга пинхона назар солади. Бакалок ширакайф шекилли, ўнг кўлини уялмай-нетмай аёлнинг елкасига ташлаб олган. У бўлса, эрининг шилкимлигигагаши

келиб, мўйчинак азобини роса тортган кошларини чимирганича лаб-лунжини осилтириб ўтирарди.

Гулшан энди хона жихозларига эътибор берди. Бу ерни ўзининг уйи билан солиштириб, томогидан овкат ўтмай колди. Ана яшашу мана яшаш! Бир томон бошдан-оёк хорижий ялтирок жавонлар. Ойнаванд кисмига биллур кадахлар, гулдонлар терилган. Бир токчасида пахта гулли чойнак-пиёлалар, "кийик", "анор" чой сервислари. Тепарокдаги токчада бир хил зархал муковали бир неча жилд китоб.

Жавон тепасида тумшуги ингичка ялтирок обдасталар. Япон магнитофонидан арабча куй янграб турибди. Хатто дераза пардаси ҳам "ялт-ялт" матодан мослаб танланган эди. Мавлоннинг узатган кадахи унинг юрагига хавас ўти солган ёкимли машгулотини бўлиб юборди. У "ичмайман" дегандай, кулиб бош чайкади.

– Ие, бунакаси кетмайди, Гулшаной, – Бакалок ёгли лабини оппок сочикка артаркан, уни кисталангга олди. – Дўстининг тугилган кунида ичмаслик, унга яхши тилак билдирмаслик – гунохи азим-ку! Олинг, йигитнинг сазаси ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин!

– Мен... ҳеч ичмаганман. Агар унчалик бўлса, озгина шампан куяколинг.

Мавлон чакконлик билан чўзинчок кадахга шампан куйиб берди. Гулшан тилак билдириб бир хўплаб кўйди. Буни Бакалок кузатиб ўтирган экан, яна пингиллаб норозилик билдирди:

– Йўк, тўст айтган одам охиригача олади. Нима, ўз гапингизга ўзингиз каршимисиз?

Гулшан ноилож кадахни минг азобда охиригача симирди. Сўнг бир оз ракс тушишди. Аммо давра кизимас, ичкилик ва куй ҳам ўтиришга файз киритолмасди. Гулшан худди бошка кўрага кириб колган кўйдаи, кисиниб-кимтиниб, ётсираб ўтирарди. Рўпарасидаги аёлнинг ялт-юлт товланаётган кўйлагию турфа такинчокларига хар гал кўзи тушганида ўзининг ночор ахволдан уяларди.

Ярим соатлардан кейин Бакалок жуфти билан кўзголиб колди. У туриш олдидан маънодор жилмайганича насихат килди:

– Гулшанхон, ошнамни хафа килиб кўйманг-а! Одам дунёга бир марта келади, ўйнаб колиш керак. Энди бизга узр. Маъракамиз бор эди. Мавлонбек огриниб колмасин деб, аввал бу ерга ташриф буюргандик. Хўп, яхши колинглар.

Гулшан Бакалокнинг гапларига унча тушунмади. Шунинг учун беихтиёр бошини кимирлатиб, улар билан нохушгина хайрлашди. Мавлон махмонларни кузатгани чикиб кетгач, хавотирланиб соатга караб кўйди. У ҳам жўнаши керак. Яна кайнонаси гўригагишт калаб ўтирган бўлмасин!

Мавлон кўлларини бир-бирига ишкалаганича тиржайиб кириб келди:

– Мен ҳам турайми, дөвдим. Мавлон ака! Кайнонамнинг юраклари торрок.

– Э, кизиксиз-а! Хўжайин Тошкентда бўлса, нимадан хавотирланасиз? Бир ўтирайлик. Кейин ўзим ташлаб келаман.

Мавлон шундай дедию бошка гапга ўрин колмагандай, яна кадахларни тўлдирди. Боягидан сал боши айланиб, вужуди кизий бошлаган Гулшан энди ичмаслик учун Мавлонни чалгитмокчи бўлди.

– Махмонлар нега тез туриб кетишди?

– Махмудми? Э, янаям кўп ўтириб колди. Бирров табриклаб кетмокчи эди, бошлигиникида вечер бор экан.

– Хотини унинггирт акси экан.

Мавлон кулди. Гулшаннинг таажжуб билан караб турганидан ўнгайсизланиб изох берди:

– Хотини ўзига ўхшаш тўлагина. Нодира унинг иккинчи хотини.

Гулшан бакалокнинг ҳеч нарсадан тап тортмай, хаёсизларча ўтирганининг сабабини энди англади. Бояги жувонга раҳми келди. Мен бўлганимда танобини тортиб кўярдим, дея хаёлидан ўтказди. Рост-да, шилкимлигини ҳеч ким йўглигида килмайдими? Мавлон яна қадахни кўлига тутказиб, ичишга кистай бошлади. Охири Гулшан безор бўлди. Шуни ичсам кутуламанми, дегандай шартта қадахни кўтарди. Онда-сонда шунака куюшкондан бир чикса, осмон узилиб тушармиди!

Бу қадах тўгри миясига урилгандай бўлди. Фикрларини айкаш-уйкаш килиб юборди. Шунинг учун берган саволининг нақадар бемаънилигидан ўзи ҳам хижолат тортиб кетди:

– Бошка ҳеч ким бу ерга келмайдими?

– Бир-бирини тушунган икки ошик-маъшук ўртасига Коработир сукулиб нима килади? – Мавлон кувлик билан кўзини кисиб гапирди.

– Хой, одам, бошликман деб талтайманг! Ахир, эрим бор-а, – Гулшан пўписа килди.

– Менинг ҳам хотиним бор, индамай ўтирибман-ку!

– Э, эркакларнинг йўриги бошка-да!

– Тўгри айтасиз! Иннайкейин эрингиздан ажратиб тортиб олиш ниятим ҳам йўк. Факатгам-ташвишларни бир унутиб, роҳат килайлик! Мендаям, сиздаям оила бор. Иш деймиз, бола-чака деймиз, хаш-паш дегунча ёшлик ҳам ўтиб кетади. Карабсанки, қариганда эслайдиган тузукрок хотира ҳам бўлмайди. Иннайкейин, анчадан бери сизни яхши кўриб қолганман, айтолмай юрибман.

– Хамма эркакларнинг одатдаги дийдиёси. Хотинингиз-чи? – Гулшан атайин ўсмокчилаб сўради.

– Хотиннинг йўриги бошка! Бир хил овқат меъдага тегади, жон. Иннайкейин, биз бегоналар эмасмиз-ку!

У ёғини Гулшан унча эслолмади. Ичкиликдан боши айланиб, тўгри гапга ҳам қаж-қаж уриб кулаверганини, Мавлон ақаси харсиллаб ўпмокчи бўлганида, унинг ёғли лабларидан ўзини хар қанча опқочмасин, танаси миясига бўйсунмай қолганини элас-элас эслайди. Кўзини очса ётоқхонада, опқок тўшак устида ялангоч ётибди. Бирдан кўнгли хижил тортди, юраги сикилди. Нималар килиб кўйдим, деб ўзини қаргади. Кейин тирсагига тиралиб, атрофига кўз югуртирди.

Бу хона наригисидай серхашам бўлмаса-да, дид билан жихозланган. Шундоқкина ўрин тепасига михланган гиламнинг гуллари тунгичирокнинг хира ёғдусида ҳам кўзни камаштиргудай бўлиб товланиб турарди. Бирпасда кўнглидагигаш нари кетди. Ўзини мана шу кўркам уйнинг бекаси сифатида тасаввур килиб кўрди. Кўксидан ширин хўрсиник отилиб чиқди. Бегона эркакнинг эрқалашлари, тўшакдаги қилиқларига йритабий туюлди. Мавлон билан эрини хаёлан солиштириб кўрди. Унинг хар жихатдан ютқизишини ўйлаб, эр танлашга шошилганига ўқинди.

Ширин ва ёқимли дамларгоят қиска бўлади. Хозир ҳам шундай кечди. Бояги мамнунлик ва эрқаланишга мойил турган вужудини яна кўрқув ва ҳадик эгаллади. Ўзини сўрокка тутди. Шунака ҳам енгилтаклик киладими? Мабодо эри сезиб қолса нима бўлади? Тамом, бу ақмоклик биринчи ва охиргиси. Тилида шундай деди-ю, дилидан "агар уйим шунака бўлганида, ўзимни энг бахтли аёл санардим", деган сўзлар кечаётганини ўзидан пинхон тутолмасди.

7.

У ярим тунда уйга келганида қайнонаси баҳорда ҳам йигилмаган сандал ёнида кўлини

жагига тираб пойлаб ўтирган экан. Буни кўриб, Гулшан довдиради. Уни аллакачон ухлаган, деб ўйлаганди. Бордию, кайнонаси сезиб колса-чи? Индамай уйига ўтиб кетаверса ҳам бўларди, аммо кизи ўша ерда. У айвонда у ер-бу ерини тузатди. Кўллари билан фотиха ўкигандай юзларини силаб кўйди. Хидоят холага карамасликка тиришиб, ер сузганича салом бериб, ичкарига кирди.

– Бунча кеч колмасангиз, кизим! Ёш болали жувон ҳам шунака бепарво бўладими? Шоирангиз абамни топиб берасан, деб хит килиб юборди. Йиглай-йиглай яқинда ухлаб колди.

– Ўтириш чўзилиб кетди, ёлгиз ўзим туриб келавергани кўрқдим, – бош кўтаролмай гапирди Гулшан.

– Бемахал юрган аёлдан яхшилик кутма, дейишади. Эрингиз шу ерда бўлсаям гўргайди. Хавотир олавериб, хаёл неччи кўчага кириб чикди.

Гулшан индамай боласини кўтариб, эшикка юрди. Унинг хар бир кадамини божхона ходимидай кузатиб турган кайнонаси:

– Шу ерда ётиб кўяколинлар, – деди.

– Шоира каравотида ётмаса, думалайвериб безор килиб юборади, – бахона топди Гулшан.

У уйга кириб кизини ётқизди. Кейин ўзи тошойна олдига бориб, чехрасига разм солди.

Пешонасидаги хурпайган сочларини рўмол ичига олди. Ковоклари, кўзининг остлари чарчоқданми ё ичганиданми, корамтир товлаб копти. Ишкилиб, кайнонаси сезмадимикин? Ёки сезган бўлсаям ярим тунда жанжал кўтармайин деб, индамай кўя колдими? Шуни ўйлаб юраги увишди. Гўё эри хаммасини эшитиб, адабини берадигандай кўркув босди. Яна ўзини кўлга олди, кайнонаси сезмаган, йўгаса дарров юзига соларди. Одатдагидай урмайди-сўкмайди, аммо сизлаб туриб жонни олади.

Кўнгли сал хотиржам тортиб, ўзини овутишга ўтди: нима энди ўша курумсокни деб гулдай ёшлигини мухтожликда, гурбатда ўтказиб юборсинми? Эр эмиш... Ўзи шу ерда бўлса ҳам, барибир каерда юрганини сўрай олмасди. Унинг эрлиги каёкка борарди: бошкаларга ўхшаб мундок тергамаса, суриштирмаса, рашк килмаса? Аммамнинг бузогига ўхшаб, хотини нима деса кўзига мўлтирайди. Унинг бу килиги Гулшанга ёкиш у ёкда турсин, газабини кўзгайди. Ўзини камситилган сезади. Топиб олган гапи: "Севаман, жонимдан ортик кўраман, сендан ажраш менга ўлим!"

Дунё деганлари тескари курилган экан. Ўзини тутиб олган одамлар аллакачон катта-катта амалларнинг эгаси бўлишган, уйлари шохона, тагларида ҳам шахсий, ҳам хизмат машинаси, омонат кассада беш-ўн минг жамгарма. Аммо бунакаларнинг олди элликка яқинлашиб колган. Ўз тенгим деб теккан эрининг ахволи мана бу: эгнида куёвликдаги костюми, ё тўрт, ё беш марта "химчистка"га мехмон бўлган. Уй тўкилиб ётибди, машина тугул, велосипед олишга ҳам курби етмайди. Амали ҳам идорада когоз титиб, чўт кокишдан нарига ўтмайди, шекилли. Огзини очса балого колади: "Сабр кил, хали хаётимиз изга тушиб кетади, орзу килганингни киярсан, машиналик ҳам бўлармиз". Э, хаммаси ордона колсин! Хайт-хуйт, деб ёшлик ҳам кўз юмиб-очгунча ўтиб кетади. Хозир авжи ўйнаб-куладиган, киядиган пайти.

Кўпинча кўзгуга караб юраги шувиллайди. Хозир ўзи ҳам ёш, хусни ҳам хавас килса арзигудай. Аммо ёшлик ҳам, гўзаллик ҳам бир умрга хатлаб берилмаган-ку! Окин сувдай ўтади-кетади. Ахир дунёга икки марта келганингда ҳам айтардинг: хозир кийналсам, кейингисида яхши яшайман, деб. Минг афсуски, бир марта яшайсан, бунинг устига, умр жуда киска.

Уни кандай келажак кутяпти ўзи? Ўн йилдан сўнг нима бўлади? Балки эрининг иши юришиб кетар, пули ҳам кўпаяр, боринг-ки, уй ҳам, машина ҳам топилар? Лекин унда бари бекфойда-ку! Ахир, "хотин киши ўттизда – ўтин", дейишади. Унда бойлигини бошига урадимми?

Гулшан карама-карши ўйлар, бир-бирига ўхшамас турфа режалар гирдобига тушиб колган эди. Паришон холатда ўрин солиб, кўрпага киргандан буён салкам бир соат ўтдию, ухлолмасди. Тана хоргин, аммо кўзга уйку келса кани? Хаёл кургур боягина содир бўлган воқеага кўчаверарди. Гоят ахмоклик килди-да, ўзи! Турмуши ёмонми? Эри бор, фарзанди бор. Тургани уй, егани овкат мухайё, кўп ҳам ялангоч колмаган. Эрининг кўли кискалигини хисобга олмаса, бинойидек йигит. Хар сўзига жавоби "хўп!" Яна нима керак сенга, ношукур банда?!

Гулшан телба-тескари ўйлар билан қачон ухлаб колганини билмади. Эрталаб ўтган ишларни барини унутиб юбораман, деб ўйлаганди. Аммо бундай бўлмади. Ўрнида ётаркан, кечаги лззатли дамларни ҳозир ҳам ширин илинж билан кўмсаётганини сезиб колди. Бу машъум хиёнаткорона истакни вужудидан кувмокчи бўлди. Аммо хиссиётлар ўзига бўйсунмасди. У икки ўт орасида колган эди. Бир томонда шохона хаёт, маликаларникидай ясан-тусан, шинам безатилган хонада товус янглиг юриш завки кўнглини китиклаб кўярди. Иккинчи ёқдан мабодо "у ишлар" фош бўлиб колганида кайнона ва эрининг, уйидагиларнинг кандай ахволга тушишини, ишхонадагиларнинг шивир-шивирини хис этиб, юрагини кўркув ва номус пармалайди.

Барибир Мавлоннинг сиймоси кўз олдига келаверди. Тарозининг у турган палласи босиб кетаверарди. Хайрлашаётиб "агар учрашиб турсак, мана шу квартира бизники бўлади, бир танишимдан ижарага олдим", деди. Аммо Гулшаннинг бунга ишонгиси келмади. Кайси гўсхўр шундай беками-кўст уйни ижарага бериб кўярди. Албатта у Мавлоннинг ўзиники. Факат сув лойкаланмасин, деган бахонада шундай йўл тутган. Иннайкейин, гап квартирада ҳам эмас эди. Мавлоннинг ўзини сал викор билан тутиши ҳам, ишхонадаги обрўси ҳам, Гулшанга бўлган эътиборию уни кўллаб туриши ҳам, колаверса, эрига нисбатан бир неча баробар сахийроклиги ҳам жувонга жуда-жуда хуш ёкарди. Хатолари уни кўп эзди. Минг томонни ўйлади, юз хил режа тузди, бир неча бор қарорини ўзгартирди. Гоҳо ўзини ўксик сезди, гохида уни шу кўйга солгани учун эридан ўч олиш хиссиголиб келди. Гулдай умри мана шу тўкилиб турган ховлида ўтиб кетаётганига гўё у айбдор эди.

Ўшанда ер-хотин ўртасига биринчи, аммо каттагина рахна тушди. Уч кундан кейин эри келди. Икковлон яхши кўришишди. Гулшан бир-икки кун "томир ушлаб" юрди. Аммо эридан на садо чикди, на эътибор кўрди. У Рахимнинг бу гаплардан хабар топиб, уни ўласи килиб калтаклашини хоҳларди. Шунда у ўз айбларини бироз ювган ва иккинчи хиёнатга юз бурмасликка касамёд килган бўлармиди? Йўк, кутгани чикмади. Хафта охирида ишдан сўнг бир лозимандани бахона килиб яна ўша шинам квартирага – Мавлоннинг хузурига жўнади. Бу гал ташаббус жувоннинг ўзидан чикди...

У ердан бир кийим янги урфга кирган кимматбаҳо кўйлакли мато билан кайтди. Бу гал кайнонасининг кўнгли нимадир сезди шекилли, хар бир кадамидан нукс топиб, ўтирса опок, турса сўпок килаверди. Бунга Гулшан тутокмади ҳам, хайрон бўлмади ҳам. Она-боланинг жигига тегиш учун ўзини бепарво тутар, "ади" деса, "бади" деб жавоб кайтарар эди.

Икки ой деганда Рахим суюкли хотинининг анчадан буён хиёнат килиб юрганини англади. Ўзини у ёкка урди, бу ёкка урди. Бориб Мавлон билан муштлашмокни ҳам

ўйлади. Аммо кеч эди. Хотинини ҳам, бахтини ҳам бой бериб кўйганини сезиб турарди. Жанжални каттарок кўтарайин деса, махалла-кўй, кариндош-уруг, ишхонадагилар ўртасида шарманда бўлгани қолади. Эркак учун бундан ортик жазо бормикин, ўзи? Индамай ажрашиб кетаверса, кўз очиб кўрган хотини, бу ёкда бола етим, яна уйланиш осон эмас.

Боши котди. Бир кечада сочиға ок тушди. Ўзининг лапашанглигини, бепарволигини лаънатлади. У тинмай ховлида юрар, бошини чангаллаб "ух" тортарди. Хамма нарсани унутиб яшаб кетаверай деса, эркакликгурури асло йўл кўймайди. Ахир, эшитганлар кўлини бигиз килмайдими, чекка-чеккадаги батини кизитишмайдими, таъна-маломат тошларини отишмайдими? Шунча йил яшаб, Рахим биринчи марта такдирнинг бундай жумбогига дуч келган эди. Икки ўт орасида ковурилиб, боши берк кўчага кириб колган эди.

Охири хамияти устун келди. Негадир хотинининг сумкасини ховлига отди. Кейин овозининг борича кичкирди:

– Йўкол, бу ховлидан! Нахс босган башарангни кайтиб кўрмайин!

Хозиргача хотиржам турган Гулшан унинг важохатидан бироз чўчиди. Аммо сир бой бермай, охиста гапирди:

-Хайдамасангиз ҳам кетаман! Бунака курумсок, огзидан ошни олдирадиган эрга жа кўзим учиб турмаган эди.

– Тезрок йўкол, акс холда ё сени, ё ўзимни бирор нарса килиб кўяман!

– Э, агар бу кўлингиздан келганида, эхтимол мен бу ахмокликни килмаган бўлармидим? Хай, пешона экан, кетаман. Кўчларга кейинрок келарман. Аммо бир нарсани айтиб кўяй. Мендан кейин кимга уйланасиз билмадиму, агар шу рўзгор тутишингиз бўлса, ундан ҳам айриласиз. Хозирги аёллар топиб келган юз эллик сўм маошингизга каноат килиб ўтиролмайдими.

Рахим индамади. Унда гапиргани мажол колмаган эди. Гулшан тинмай йиглаётган кизини кийинтирди. Зарур кийимларини тўрхалтага солди. Остонада бошини чангаллаб ўтирган эрига, кўзларида нафрат ва мунг билан какшаганича келинни каргаб қолаётган кайнонага бир-бир назар ташладию кўчага отилди.

8.

Кўёшнинг кизгиш нурлари кўп каватли уйларнинг пештоқларига бирпас ранг сочиб турдию кейин сўнди. Кайнаб ётган бетон уйлар кечки салкинга кўкрак тутди. Кун бўйи мудрок чол-кампирага макон бўлган янги шаҳар хозирга келиб гавжумлашиб кетган. Хамма уйига ошиқади. Аёлларнинг миясида кечки овкатнинг, кеча ювишга улгурмаган кирларнинг, бевакт тушаётган ажинларнинг ташвиши. Эркаклар тезрок телевизор рўпарасидаги диванга ён- бошлаш иштиёкида чарчок оёқларини зўрлаб судрашади. Гулшан хона эшигини очиб, ичкарига кирди. Тўрхалтани ерга кўйди. Энгашиб Шоирани ечинтира бошлади. Кизи онасини кистови билан беихтиёр ечинар, аммо огзи гапдан сира бўшамасди:

– Анави бор-ку, Юлдузнинг абаси, ўша богча опамизга атир олиб келиб берди. Энди богча опа Юлдузни урмасмиш. Сиз ҳам оберасизми?

– Нима, богча опанг урадимми?

– Урганлари йўг-у... Иннайкейин, дедомла энди уйимизга хеч келмайдилар-ми?

– Ким айтди бунака деб?

– Юлдуз-да. Дедонг келмайди, деди. Абанг ёмонлиги учун уйдан хайдаган, деди. Абаси шундай деганмиш.

– Бекорларни айтибди. Энди сен унака гапларга кулок солма. Бундан кейин Юлдуз билан ўйнама. Ёлгончи киз экан.

– Бўпти. Энди дедомла келаллами?

– Эндими?.. Мавлон амакинг бор-ку, ўша киши сенга дада-да! Кўпгина ўйинчок опкелади.

– Йўк, йўк. Мавлон амакини дада килмайман. Ўйинчок ҳам керакмас. Ану-чи, ўша амаки доим менга хўмраяди. Ўз дедомлани чакириб келаман-а?

– Хўп майли... Энди сен телевизор кўриб ўтиргин. Мен овкатга уринай, бўптими?

– Энди сиз ҳам Юлдузнинг абаси билан ўртоқ бўлмайсиз-а?

– Хўп, хўп, – дедию Гулшан кулиб юборди.

Гулшан ўша орзу килган шохона квартирага кўчиб кирганига икки йилча бўлди. Бу орада эри билан судлашиб, орани очик килдирди, кизига кирк сўм нафака кестириб олди. Бир кўнгли, оёгимга тушов бўлмасин, деб эрига ташлаб чиқишни ҳам ўйлади. Аммо оналик туйгуси устун келди. Янги уйга жойлашиб олганидан кейин кизини хафтада бир марта олинадиган богчага топширди.

Бугун она-бола олти кунлик айриликдан сўнг яна учрашишди. Бошка кунлар Мавлоннинг кўнглига караб, кизи тўгрисида сўз очишга ҳам ботинолмайдиган Гулшан мана шунака учрашганларида кизини ялаб-юлкайди, богчадан олиб келган гапларини ютокиб эшитади.

У кизини телевизор олдига ўтказиб, ўзи ошхонага кирди. Шўрва килиш учун картошка-пиёз арта бошлади. Кизик! Ёлгиз колди дегунча хаёллари хар томонга бодрокдай сочилаверади. Гох турмушини ўйлайди. Гох Рахим хакида бош котиради. Хозир ахволи нима кечяптийкин? Орани очик килганидан кейин ярим йилча ўтгач, уйланганини эшитди. Янги хотин билан кандок яшяптийкин? Туриб-туриб, ўзи сезмаган холда эрининг уйланганигаги ва хасади келади. Мендан ажрашиб хонумони куяди, деб ўйлаганди. Аммо бир-икки бор уни кўчада бепарво юрганини кўриб ўртанди. Лекин аламини ичига ютди. Бу хотини ҳам тезда курумсок эрининг дийдиёларидан безиб, кетиб қолишига ўзини ишонтирди.

Хўп, ўзи бахтлими? Кўни-кўшниларига огзидан бол томиб гапирадию, аммо ёлгизликда пинхона изтироб чекади. Мавлон билан хаётимиз эртаклардаги каби ширин ўтади, юраклар бир-бирига талпиниб тепади, деб орзу килган эди. Аммо, хеч канча вақт ўтмай вулкондай портлаган хиссиётлар сўнгандай, дил розлари сохта чикаётгандай туюла бошлади. Лекин Гулшан муносабатлардаги бу мудхиш ўзгаришларни асло тан олишни хохламасди.

Ўртага биринчи совуклик ўтган кишда бетоб бўлиб колганида тушди, шекилли. Эрталабдан бошланган титрок кечга бориб йикитди. Икки-уч хил дори ичди, кайнок сувга исирик ташлаб оёгини буглади. Кўрпага ўраниб ётди. Качон кўзи илинганини билмайди, кўнгирик товуши уйготиб юборди. Инкиллаб-синкиллаб ўрнидан турди. Аранг бориб эшикни очди. Не кўз билан кўрсинки, илдизига болта урилган теракдай кийшайиб, эшик олдидагирт маст Мавлон турибди. Бир ошнасиникидаги ўтиришдан кайтаётиб, кўргиси келиб колганмиш. Чайкалиб ичкарига кирди. Хе йўк, бе йўк, уни кучоклашга, ўпишга тушди. Жахли чикмасин дея, кўзлари тиниб, боши айланаётган бўлса ҳам чидади. Минг азобда тишини-тишига кўйиб турди. Бўлмади, хализамон йикилиб тушишига акли етди. Охири касаллигини айтдию, балога колди. Мавлон аввал роса бўралаб сўкди. Бунака касал хотиндан уйда ҳам битта бор, деб ўдагайлади. Кейин жавондан бир шиша арақ

олиб очди. Якка ўзи газаксиз бир пиёлни ичдию, эшикни карсиллатиб ёпиб чикиб кетди. Гулшан хўрлиги келганидан хўнграб юборди. Алламахалгача ўринда бадани музлаб, калтираб ўтирди. Ичидан аламли хўрсиник отилиб чикарди. Бир вақтлар ўз эрига сенсирашга йўл бермаган аёл энди хўрланганини хис этиб турарди. Хатоларидан ўкинарди. Агар ўз эри бўлганида...

Мавлон эса касаллигини сезса ҳам, холига ачинмади, безовта килганига узр сўрашга ҳам ярамади. Узр қаёқда, тарсаки тортгандай башарасига эшикни ёпиб кетди. Бунга хадди сигади-да! Чунки ҳамма нарса уники: уй ҳам, жихозлар ҳам, хатто ҳеч кимга сўз бермай юрган ўша шаддод Гулшаннинг эрку ихтиёри ҳам!

... У хаёллар огушида дарпардани суриб, пастга назар солди. Майдонда болалар кий-чув солиб ўйнашпти. Икки кампир йўлакдаги тахта курсида шанги овоз билан кимнидиргйбат кияпти. Рўпарадаги айвонда бир аёл кир ёяди. Бошкаси ҳаммаёкни тўзонга кўмиб гилам кокади. Кайсидир уйдан куйган пирогнинг хиди анкийди. Хоналарнинг очик деразаларидан кўшикчиларнинг йўгон-ингичка овозлари аралаш-куралаш янграйди. Ёнгинадаги айвонда каптарларгув-гувлайди, патир-путур кўкка отилади.

Бугун Мавлон келармикин? Хар гал зинадан кадам товуши эшитилиши билан ўрнидан туриб кетади. Уёк-буёгини тузатиб, эшикка кўз тикади. Аммо жимлик чўкиши билан яна ўзини ўриндикка хоргин ташлайди, куним бир чиройли ўтиб турибди-ку, дея ўзига тасалли беради.

Гохо жуфт эр-хотинларни кўриб, ўзини кўйгани жой тополмайди. Ахир, унинг каери кам? Нега у Мавлон билан кўлтиклашиб, боринг-ки, ёнма-ён юролмайдими? Нега огзини тўлатиб уни эрим деб айтолмайди. Хатто кинога боришдан кўркиб, телевизорга михланиб ўтиришади. Нима учун бирдан-бир сирдоши Мавлонга юрагидаги гапларни очиб тўқолмайди? Чунки унинг ўз хотини борлигини бирор дакика ҳам унутолмайди. Ўзининг иккинчи хотин эканлигини англайди. Огир бўлса ҳам, ориятига тегса ҳам ана шу машъум тамгага кўниккан. Таниш-билишлар ўйнаш деб таъна килолмайди-ку! Шунисига ҳам шукр! Балки оркаваротдан гапиришар?

Хаммадан ҳам Мавлоннинг бешиб колишидан чўчиб, кизини хафталик богчага топшириб юборгани туриб-туриб алам килади. Ахир, мана бугун у билан канчалар овунди. Агар Мавлон келаман деб кўйса, боласини уйда ушлаб туришга ҳам ботинолмайдими. Мавлон шунчалик жонини олиб кўйганки, Гулшан хатто ўз боласини бир кун уйда колдиришга хад килолмайди! Боласи ёкмас экан, онасига ҳам суркалма! Лекин бу гапни унга айтиб бўпти! Боши котиб кетди. Бу азобларга, бу хўрликларга ким айбдор, ким?!

Ўша кунни у бутун тафсилотлари билан эслаб колган. Авваллари хар гал ўйлаганида вужудини аллаловчи, эркалатувчи, конини жўштирувчи хислар чулгаб оларди. Кейинги пайтда бу ёкимли машгулот лаззат ўрнига кўпрокгашлик, азоб келтирадиган бўлди. Хаётда ҳамма ҳам адашади. Хато килганини пайкаган одамгина ундан ҳам машъумрок хатолардан ўзини асраб колади. Гулшан Мавлоннинг тўрига илинганида эридану эркидан, бахтидан ажраганини анча вақт тан олмай юрди. У жувоннинг иззат-нафсини камситганида ҳам, хар кадамда хўрлаганида ҳам кўзи очилмади. Магрур, чарсиллаган, гапни букмай гапирган Гулшан Мавлоннинг бир огиз сўзига "лаббай" дейдиган, кош-ковогига термуладиган бўлди. Ранжиб колмасин дея, у келадиган куни эрталабдан типирчилади. Боласини канча согинмасин, учрашишга хадди сигмади. Унинг жигига тегмаслик учун ёктирган атирини ҳам сеполмади. Агар ўз эри бўлганида...

Мавлон икки хафтадан буён корасини кўрсатмади. Хозир ҳам уни пойлаб, уйдан силжий

олмаётганини ўйларкан, ўзининг карамлигидан рухи тушиб, кўнгли бузилади. Шу ахволимни онам бир кўрсайди, дея хаёлидан ўтказди. Кўриб ҳам нима дерди. Хатто учрашиб қолишганида салом-алиқдан нарига ўтишмайди. Айникса, Мавлонниқига кўчганидан кейин икковлари ўртасидаги чоҳ янада кенгайди. Аммо hozir онасининг бир килиги эсига тушиб, кўнгли ёришади. Хамирни доим сутга қорарди. Ёлғиз кизим ўксимасин дебми ёки ўшанда унга меҳри қучли эканми, харкалай, кўнглига қарарди. "Киз бола – бировнинг хасми, эрта-индин бошқа хонадонга борса нон синдиришга ҳам қадди сизмайди", деб кўз очирмасди. Хатто бир сафар шу килиги туфайли эри билан уришиб ҳам қолган эди. Хозир шуларни эсларкан, лаблари беихтиёр "Ох, онажон, ўшанда кизингизга сутли нон илингунча озгина бахт тиласангиз нима қиларди", дея пичирлади. Авваллари ишдан хориб қелганига қарамай, минг азобда овқат пиширарди. Бир-икки қошиқ ичарди. Яна муштини жагига тираб, ўй суриб, қош қериб ўтираверарди. Кизи жикиллаб хали уни сўрайди, хали буни бижирлайди. Қайфияти чоғроқ пайтида у билан бироз овунади. Гохида Шоиранинг бегубор, ширин гаплари ҳам, етти ухлаб тушига қирмаган қилиқлари ҳам кўнглини ёзолмайди. Баъзан: э, жим ўтирсанг– чи, дея жерқиб ҳам беради.

Шоира ҳам онасининг феълига тушуниб қолган. Кўзларини қатта-қатта очганича кўрқув ва хайрат билан унга қараб кўяди. Кейин секингина кўшни хонага ўтиб, кўгирчоғига гап уқтирди қетади: " Хадеб савол беравермасанг-чи! Ахир, кўряпсан-ку, абамларнинг жахллари чиқиб турибди. Сенга жавоб қиламан деб сўқиш ҳам эшитиб олдим". Шунда кизининг гапига қулиб юборади.

... У ўрнидан туриб дастурхонни йигиштирди. Ўйчан ҳолатда тошойна олдида туриб қолди. Бир неча дақиқадан сўнггина нигоҳи ўзининг ойнадаги аксига тушди. Унга кўзлари қиртайган, сочига бемаврид оқ оралай бошлаган, гамгин юзли жувон хиссий тикилиб турарди. "Нахот шунчалик ўзгариб қетдим-а?! Тўйдан олдин қанчалик қиройли қиз эдинг, Гул! Йигитлар ортингдан сукланиб, аёллар кўзини лўқ қилиб юрмасмиди! Бахтингни ўзинг қоймол қилдинг, ха, ўзинг! Қаерда адашдинг! Нега ширин турмушингни асраб қололмадинг? Нега ўша элас-элас туш қаби қунларда, хавойи орзулар қанотида, мавҳум манзилларга йўл қолганингда эс-хушингни йигиб олмадинг? Балки шунда бугунгидай қасрат-қадомат қийнамасмиди? Хатоларни тузатишинг, елга қовурилган хуснию тансиқ ёшлиқ йилларини ортга қайтаришинг иложи бормикин?!"

У миясида тинимсиз қарх ураётган ана шу кўнгилсиз саволларга жавоб топишга уринмасди ҳам. Хатто бу ҳақда қуқурроқ ўйлашга юрагининг бардоши етмаслигини сезиб турарди.

9.

Мавлонни узок қутди. Бир неча қундан буён йўлига кўз тикади. Танишларидан битта-яримтаси кўриб қолмасин деб, қадам товушини эшитиб қозини деворга буради. Мавлон атайин қилгандай, бу ёқларга қелишни ҳам ўйламасди. Ишқонага қорай қеса, жувоннинг қурури йўл қўймайди. Қайси қоз билан учрайди? Ахир, Мавлоннинг уйига қўчиб ўтганига уч ой бўлмаёқ ишини йигиштирган-ку! Иннайкейин, Мавлон ҳам айтмайди, қидолмабди-да, деб. Аммо, қарибир, қозир Мавлонни жуда-жуда қогинганини, унинг қизларниқидай ёқимтой қехрасини, қуч-гайрат уқуриб турган гавдасини, қилиқлари ва эркалашларини, суяқларини қисирлатиб қучишларини интиқ қўмсаётганини, уни асло унутолмаслигини кўзлари қош этиб турарди.

Нима килсинки, шу билан иккинчи марта ўз бахтига ўзи зомин бўлди, огзидаги ошни олдириди. Бунга бошқаларга ўхшолмаслиги, шаъни вагурурига тегилганда чирсиллаб кетиши сабаблигини яхши билади. Рахим билан ажрашиб кетганига унча ўкинмадию, аммо Мавлон акасининг уйдан кувилганини сира-сира мясига сигдиrolмайди. Хар куни кўчага чикиб ўша таниш уй олдига қандай бориб колганини ўзи ҳам сезмайди. Мавлонни бир кўришга зор, келишини интик бўлиб кутади. Кани энди хозир рўпарасида пайдо бўлсаю, икки елкасидан кучганича: "Кечир, Гулшан, сени бекор хайдабман, кайт уйга!" деса. У содик итдай эргашиб кирарди. Килмишларига кечирим ҳам сўрарди. Ахир, хаммасига ўзининг кўрслиги сабабчи эканини билади.

Бир хафта олдин Тамара, "эринг бошқасини топиб олибдию, сен бу ерда араз килиб ўтирибсан", деган гап топиб келди. Нима дейди унга? Аллақачон ора очик бўлганини кай тил билан айтади? Хамма нарсадан умидини узиб, такдирга тан берган Гулшан Тамаранинг гапидан кейин халоватини йўкотди. Эрининг янги маъшука топгани юрагига ўт ёқди. Аввалига бу рашкмикин, деб ўйлади. Аммо рашкнинг ўзи эмас экан. Мавлонга каттик боғланганини, усиз бир кун ҳам яшай олмаслигини, агар мухаббат деганлари шу бўлса, чинакамига севиб колганини энди тушунди. Авваллари, Мавлон хафталаб корасини кўрсатмаса ҳам бунчалик согинмасди. Каттикрок гапирса малол келарди. Ташига чикармасаям ичида огринарди. Хозир Мавлон сўкса-урса ҳам, итдай хўрласа ҳам, иззат-нафсига тегса ҳам – барча ситам ва маломатларга тайёр! Факат яна ўша умрининг энг яхши соатлари ўтган шохона уйга чорласа, кифоя!

Лекин, минг афсус, у уйга янги бека хўжайинлик кияпти. Тамаранинг айтишича, Мавлоннинг маъшукаси Гулшандан ёш ва гўзал эмиш. Иккови кўлтиклашиб келаётганини Тамара ўз кўзи билан кўрибди. Гулшан бунга эшитиб, алам ва рашкдан вужудини оташ чирмади, бошига гурзи тушгандай огрик кирди. Сал ўтмай ўзига тасалли берди: "Ахир, ўзинг айбдорсан! Эркакнинг гапини кесдингми, назаридан коласан! Айникса, иккинчи хотин бўлсанг. Айтишади-ку, "иккинчи хотин эркаю, лекин омонат" деб. " Ахир, йўлда кўшилган йўлда тушиб колаверади-да!"

Тушуниб бўлмас хиссиётлар уни кўп эзди. Уйкусидан халоват кетди. Баъзан ярим кечада муздай кўрпага ўтирволиб, бошини чангаллаганича ўтган кунларини бир четдан кўз олдига келтиради. Нега атрофдагилар фаровон, ахил яшаяптию, Худо унигина бахтдан кисган? Ё хаммасига ўзи сабабчими? Эхтимол, хавойи орзуларга учмай, Рахим билан яшайверганида бугунга келиб бунчалик хўрланмасмиди? Мавлон билан ҳам бир чиройли кун кўришаётган эди, нима айнитди? Ё Гулшан Мавлоннинг маъшукалари рўйхатида аввалию охири эмасмиди? Балки Мавлон уларни бирор бахона билан тез-тез алмаштириб туришга одатлангандир? Ахир, икки гапининг бирида айтарди: хамма нарсанинг отаси пул деб. Пул эрининг кучогида ётган хотинни ҳам чикариб келади, дерди. Пулга амални ҳам, обрў-мартабани ҳам, аёллару дўстларни ҳам сотиб олса бўлади, деб кўз очирмасди.

Гулшан ўшанда бу гапларга унча эътибор бермаган. Мавлон мактанишга тушиб кетса, ўзига-ўзи тасалли берган: "Пул топгандан кейин керилса нима кипти? Уч ой ўтмаёк ишлатмай кўйди, айтганим мухайё, кизимни ҳам гохида эркалатишни унутмайди. Аёл киши учун бундан ортик нима керак ўзи?"

Факат бир йилдан кейин хаётининг кемтиклиги билинди. Бекорчиликдан зерика бошлагач, ишга кирмокчи бўлди ўшанда. Унинг ниятини эшитиб-эшитмай Мавлон жеркиб берди. Гулшан ўзини овутиш учун уйга чок олди, беш-тўрт танга топди. Аммо ичи ёришмади. Эрки ўзида эмаслигидан пинхона куйди. Факат Мавлон билан учрашувгина

муносабатларини илитиб турарди.

Мана энди ўша кунлар ҳам холва эканини, Мавлон аллакачон калби ва вужудига сингиб кетганини хис қилиб турибди. Таассуфки, хар доимгидай кўзи яна кеч очилди. Бўлмаса ўша куни Мавлоннинг гапини икки қилмас, бир огиз сўзи билан бутун бахти ва ширин турмушига чизик тортмас эди.

Байрамиди ё тугилган кунимиди-аник эсида йўқ. Ўша куни Мавлон уйга меҳмон чақирди. Ичкилик билан, эркак-хотин аралаш ўтадиган зиёфатлар Мавлоннинг ховлисида эмас, асосан Гулшанникида бўлар эди. Ўшанда узок ўтиришди. Роса ичишди, ўйнаб-қулишди, раксга тушишди. Кейин меҳмонлар бирин-кетин тарқалишди. Охири сипо, кўзойнакли бир одам билан эри қолди. Айтишларича, у ижрокўм раисининг муовини экан. Икки эркак ҳамгирт маст эди. Куй янграб турибди. Гулшан дастурхондаги пўчокларни йигиш учун хонтахтага энгашувди, бояги кўзойнак кўлидан маҳкам ушлаб олди. Жувон бир сесканиб, ликопчани кўйди-да, иккинчи кўлини охиста бўшатди. Шошиб эрига қаради. У ҳеч нарса бўлмагандай бошини солинтириб ўтирар, ора-сира "бу ширин ёлгон ёмон" деб мингиллаб хиргойи қилиб кўярди. Кўзойнак гандирақлаб келдию, совук илжайганича индамай Гулшаннинг белига кўл юборди. Ойнак ортидан кўзларини пирпиратиб деди:

– Гулшанхон, ҳозир мен билан танца тушасиз!

Гулшан доводи раб қолди. Афтидан муовин хамиша буйрук бериб ўрганган шекилли, хатто раксга ҳам изн сўрамади. Мен билан тушасиз, деди. Гулшан нажот истаб Мавлонга қаради. У ҳамон бепарво (эхтимол, ўзини қайфга солиб) ўтирар, муовиннинг сурбетлигини сезмаётганга ўхшарди. Ноилож қолган Гулшан омонатгина раксга туша бошлади. Кўзойнак орик бўлсаям, тинмай пишиллаб, жувонга суркалаверар, белидан ўзига тортиб, кўксига босишга урунарди. Охири ракс бахонасида уни ётоқхонага сургади. Гулшаннинг нигоҳи яна эрига кўчди. Мавлон уларни сездирмай кузатаётган экан шекилли, Гулшаннинг кўзи тушиши билан ерга қараб олди. Унинг ичкиликдан кизарган юзида жувон рашкгазабини эмас, истехзо аралаш мамнунликни ўқиди. Балки Гулшанни синаб кўраётгандир? Ё уни бошлигига бир кечага тортик қилмокчимиз? Аллақайси китобда шундай воқеа ҳақида ёзилган эди. Биттаси амалга миниш ниятида никоҳидаги хотинини бошлигига кўшганди. Бу гаплар хорижда ўтган эди, шекилли? Нахот Мавлон ҳам ўзига шу ифлосликни раво кўрган?

Жувоннинг вужуди тугёнга тушди. Шартта кўзойнақнинг кучогидан чикдию ўзини ошхонага урди. Хўрлиги тутиб, пик-пик йиги бошлади. Орадан сал вақт ўтганда гандирақлаб Мавлон кириб келди.

– Ҳа, қанжик, қорнинг тўйиб қолдимиз? – деди у Гулшаннинг устида ўдагайлаб. – Минг тавалло билан бошлаб келган меҳмонимни шарманда қилиб хайдабсан. Юсуф ақамнинг бир имосига онаси ўпмаган юзта қиз "лаббай" дейди-я!

Гулшан илон авраган бақадай қотиб қолди. Бу ўша Мавлон ақасими? Нахотки нияти шу бўлса? Нахот ўзи ҳам шу даъуси деб кўз очиб кўрган эридан кечди? Хаттоки бир буюмчалик кадри қолмадимикин? Йўқ, йўқ, Мавлон ақаси маст, огзидан чикқан гапларни ўзи ҳам тушунмаган. Йўғаса уни бунчалик хўрламасди...

Эри яна бироз вақт сўқиб-жерқиб чиқиб кетди. Кўп ўтмай, ётоқдан унинг гулдираган хурраги эшитилди. Гулшан эса ўз ёғига ўзи қовурилиб, деразадан мўралаётган тўлин ойга, милтиллаган юлдузларга ҳасратини айтиб тонггача ўтирди.

Мавлон ўша кетганича бир ойда қорасини кўрсатди. Уйга кириб хол-аҳвол ҳам сўрамади, одатдагидай, елкасидан қучмади ҳам. Ошхонада идиш юваётган Гулшанни маслаҳатли иш бор, деб чақирди. Рўпарасига ўтқазиб, бирпас тикилиб турди. Кейин ўша машъум

гапни айтди:

– Гап бундок, Гулшан... Уйни бўшатишга тўгри келиб колди. Бир дўстимдан вақтинча туришга олувдим, энди ўзига зарурмиш... Сенга бир хонали уй топиб кўйдим, нариги массивдан. Керакли жихозларни ҳам олиб бераман.

Гулшаннинг тили анчадан кейин калимага келди:

– Хайдаяпсизми, Мавлон ака?

– Нима деб тушунсанг-тушунавер, – деди Мавлон токатсизлик билан. – Ўша кунги килигинг билан шунча йил топган обрўйимни бир пул килганинг етмай, яна хайдаяпсизми, дейсан.

– Ахир... Ахир... Нима, ўша кун ифлослик килсаям кўнишинг керак, демокчимисиз?..

– Тамом, энди ҳеч нарса демокчи эмасман!

– Ахир, гуноҳим нима, Мавлон ака?.. Сизни яхши кўрганимми, сизга содиклигимми? Агар жонингизга теккан бўлсам, унда очик айтаверинг, кетаман! Топган уйингиз ҳам керак эмас, кўчада колмасман.

– Бўпти гапни киска кил, дийдиёга вақтим йўк. Мана янги уйнинг калити, манави адреси. Ўз нарсаларингни олишинг мумкин, пулдан ёрдам киламан.

– Ҳеч нарсангиз керак эмас, – деди Гулшан аранг.

– Унда орамиз очик, – дедию Мавлон ошхонага кириб, деразадан ташқарини томоша кила бошлади.

Гулшаннинг устидан муздай сув куйгандай сесканиб тушди. Эрким ўзимда эмас, деб беҳуда кайгурган экан. Хатто уй ҳам, эр ҳам ўзиники эмас экан. Мана, хаммаси тамом! Уни итдай кўчага хайдашди. Кадрингни билиб кўй, Гулшан! Тезрок бугуссали, миннатли уйдан жўнаб кол! Юрагинг аламдан тарс ёрилмай туриб тезрок чикиб кет! Хаммасига тупур, хою хашамларга ҳам, ўша ориятсиз Мавлонга ҳам – барига тупур!..

У хувиллаган янги уйда ўзига келди. Бўгча устига ўтириб олиб, ўтган ҳаётини сарҳисоб килди. Назарида Раҳимга хиёнатни эвазига қисмат ундан ўч олаётгандай туюлди. Ахир, раҳматли бувиси кўп такрорларди: "Бу – кайтар дунё, илгари қирк йилда кайтса, ҳозир тўрт йилга ҳам колмайди". Дарҳақиқат, мендан бахтли одам йўк, деб талтайиб юрган кунларидан буён тўрт йил ўтмасданок, хаммаси чўлдаги саробдай кун-фаякун бўлди. Эртақлардагидай, қаршисида тешиқ тогора билан қолаверди...

Гулшан кўзидан калкиб чиккан ёшни рўмолчаси билан артиб, яна йўлга қаради. Бирдан қувончдан, ҳаяжондан калт-калт титрай бошлади. Ана, у кўринди! Интик кутгани, жонидан севгани Мавлон акаси келяпти. Гулшан бир қадам олдинга босдию, истиҳолада тўхтади. Ахир, уни хайдаган-ку, орамиз очик дея қамситган-ку! Нега яна унга пешвоз чикмоқда, парвозга интилган қабутардай талпиняпти? Ана, у тобора яқинлашяпти. Ҳозир унга ўгирилади, кейин юзига табассум югуради. Одатича, Гулшаннинг тимқора кўзларидан нимадир ўкиб олмоқчидай, киприк қокмай узок термилади. Аммо Гулшаннинг ҳаёллари тўгри чикмади. У ўтиб кетди. Хатто Гулшан томонга қайрилиб қараб кўймади. Эҳтимол, узокданок бу ердалигини кўргандир? Гапни чуватмаслик учун ўзини билмаганга солгандир?

Йўлакнинг эшиги "қарс" етиб ёпилганида ўзига келди. Икки чаккаси зўриқиб оғрирди.

"Хатто гаплашгиси ҳам келмади-я, – ҳаёлидан ўтказди Гулшан. – Демак, уйда Мавлонни ўша хушсурат маъшуқаси кутяпти. Сен эса қуя еган рўмолдай бекадр ва нокераксан".

Гулшан уй олдида узок туриб колди. Деразадан кўз узмай тикилди. Хонада қирик ёнганини, икки соянинг гох бирлашиб, гох ажралиб кетишини изтироб ва рашқ аралаш энтикиб қузатди. Ноилож ортга қайтаркан, дув-дув тўкилаётган кўз ёшларини артиб

улгуролмасди.

10.

Аёллар базмини кўрганмисиз? Кўрмаган бўлсангиз, кўп нарса йўқотибсиз. Дунёдаги жамики гийбат, хасрат ва шикоят, тахи бузилмаган, магзи эзилмаган гап шу ерда кайнайди. Ана шу базмда айтилаётган латифа ва хангомаларни эркаклар эшитиб колса борми, хижолатдан бир кават пўст ташлаб юборишади. Мавзу айланиб хам, ўргилиб хам кийим-кечаккаю такинчокка, семириб кетишнинг вахимасию, болаларнинг келажагига бориб такалаверади. Гап ўйнаган аёлларнинг чойхонапалов шайдоси бўлмиш эркаклардан яна бир фарқи бор. Гаштакчи аёлларнинг бир вақтнинг ўзида гапиришга, икки кун мобайнида тиним билмай пиширилган овкату ширинликлардан тотишга, бир-бирларинию таниш-билишларинигийбат килишга кандай улгуришларининг сирини хозиргача ҳеч ким очиб бера олгани йўқ.

Бугун хам аёлларнинг гапи. Гулшан аввал бунака ўтиришларга унча аралашмас эди – Мавлон рухсат бермасди. Чунки иккита хотин учрашса, гап албатта ўртадаги муносабатларга такалишини у яхши билар эди. Мавлон билан ора бузилганидан кейин бутунлай яққаланиб колганини тушунди. Шу пайтгача дилидаги гапларни бемалол очадиган бирорта сирдош дугонаси йўқлигига ўкинди.

Биринчи турмуши бузилиб, янги шахарга, Мавлоннинг ўша хосхонасига кўчиб чикканидан кейинок кариндошларнинг қадами киркилди. Сал орияти борлари кўчада тўкнаш келганида нариги бетга кочадиган ёки кўрмасликка оладиган одат чикаришди. Бутунлай ёлгизланган, кизидан бўлак сирдоши йўқ Гулшан агар атрофида аёллар билан муносабатини тикламаса ё жинни бўлиши, ёки юраги тарс ёрилиб кетишига акли етиб колди. Кўшни йўлакдаги Тамара исмли жувоннинг кистови билан гапга хам кўшилиб олди.

Бугунги ўтириш Гулсум кампирникида. Бир вақтлар хаваскорлик ансамблида, кейинчалик отарчиларга кўшилиб ракс тушган бу аёл шунака хунук кариган эдики, тунда кўрсангиз лабингизга учук тошиши ҳеч гапмас. Юз деганингиз гўёки суви кочиби буришган шафтоликоки, киприк дегани шилпик кўзларни аллакачон тарк этган, кош ўрнига куюк чапланган ўсма, сийракланиб колган сочга бўёк тегаверганидан рангу тусини билиб бўлмади. Хатто жинсдошлари хам кўпда ўзини унга якин тутмади. Энди сатангликда бозори касод Гулсум кампир янги "касб" орттирган, кўшмачилик килиб тузуккина пул топади.

Кўкиш кўзлари тинимсиз ўйнаб турадиган уй эгаси хотинларни тинмай дастурхонга кистайди. Ора-сира беҳаё латифалардан бир-иккита айтиб ўтиришни кизитмокчи бўлади. Гулшан кириб келиши билан Гулсум кампир янада очилиб кетди. Елкасига кока-кока алохида хурмат билан тўрга ўтказди. Ўн чоғли аёл бири кўйиб, бири гапирар, шарақлаб кулишарди. Хар бир киликдан, хар бир гапдан кичик, беҳаёлик уфуриб турибди. Факат Гулшангина адашиб бошка тўдага тушган ёт каптардай, бегонасираб ўтирибди.

– Ха, нега хамманг аммамни бузогига ўхшаб лаллайиб ўтирибсанлар, – чойнак кўтариб кирган Гулсум кампир таҳдид билан гапирди. – Худди азага келгандай ковок-тумшук нимаси? Сарвар, ол чирмандани, "Кичкинахонга"га чал.

Сарвар чирмандани дўпиллатиб чала кетди. Гулсум шох ташлаб, минг бир муком билан йўргалай бошлади. Жой тор бўлгани учун бир ердан жилломай ўйнар, аммо шунда хам

роса котирарди. Аёллар тинмай карсак чалишади. Кейин бошкани тортишди. Шовкин, кулги, карсак, кийкирик хаммаёкни кўтаргудай.

Гулшан мийигида кулиб ўтирса ҳам ичидагижинади. Буларга кўшилмай деса, бир дўмда туриб яккамохов деган ном орттиришдан, хаммасига гап-сўз бўлишдан чўчийди. Булар на кунингни, на тунингни кўради. Буларга на очингда ёкасан, на тўкингда. Яқинда Холмат пиённинг хотинига ҳам хар томондан акл ўргатиб, йўл кўрсатиб, бахтига зомин бўлишди. Биттаси пат сукди: "Эр зоти куриб кетганми, ёш умрингни шу пиёниста билан беҳуда ўтказиб юрибсан!" Эр маст холда бир шапалок кўйганида бошкаси ярасига туз сепди: "Хотин калтаклайдиган замонлар ўтиб кетган, дарров милицияга учра, аввал судмедэкспертизадан справка олиб кўй. Бир ўтириб келса таъзирини еб, мушукдай ювош тортиб колади. "Пишт" десанг оёгингга суркаладиган бўлади".

Хуллас, ўша хотин бу ёсуманларнинг гапидан ўзини йўкотиб кўйди. Кизик устида судга ариза берди. Ўласи килиб калтаклаган, дея кўзёши килди. Ёши улуг кози насихатга тушди: "Кизим, ёш экансизлар, ахир камокдан кейин ҳам шу эр билан яшайсизми, енгилтак бўлманг!" Эри ялиниб-ёлворди: "Шароф, эсингни йиг, мен камалганимдан кимга фойда?" Йўк, ях бўлиб тураверди. Шунчаки пўписа учун бошланган хангома камок билан тугади.

Шарофат уч-тўрт кунголиблик нашидасини суриб юрди. "Качонгача алкашнинг зулмига чидаб ўтаман", деб ўзини овутди. Аммо бир хафтадан кейин нечоғли тубан иш килганини англади. Чунки хар томонлама йўл кўрсатиб гиж-гижлаган кўшнилари энди "ўйнаш билан айш суриш учун шундок эрни каматиб юборди", деб гап таркатишди...

...Ўйин тугаб, хамма яна кўрпачаларга чўзилди. Суюк овкат тортилди. Ёши ўтинкираб колган бўлсаям, ёшлик жозибасини ва тароватини йўкотмаган Тамара столдаги шампаннинг пўкагини пакилладиб очди. Пахта гулли пиёлаларга тўлдириб куйиб чикди. Аммо факат тўрт киши ичди, холос. Колганлар лаб теккизиб, ерга кўйишди. Тамара пиёласига яна шампандан тўлдирдию, рўпарасида ўтирган Мехри холага гап отди: – Э, огзимизга талкон солиб ўтираверамизми, холажон? Бирорта кизикрок гапданми, латифами айтинг, юракларнинг губорини сал мундай ёзайлик.

Мехри хола "вой, бунака нарсаларни билмайман-да, сингиллар" деб бирпас таранг килиб турди. Кейин ривоят бошлади: эмишки, аклда, хуснда ва илмда баркамол бир йигит арик бўйида салкинлаб дам олаётган экан. Иттифоко, шу пайт сувда окиб келаётган бир дона кирмизи олмага кўзи тушибди. Халиги олмани тутиб, бирпас томоша килибди. Жуда хаваси келиб сукланибди. Кейин уни шартта ебди. Еб тугатибди-ю, юрагигагулу тушибди: "Ахир, бировнинг олмасини эгасини рози килмай тановул этибман-ку. Демак, гунохга ботибман-да". У қандай бўлсаям олманинг эгасини топиб, уни рози килишга ахд этибди. Сув ёкалаб бораверибди. Рўпарасидан бир катта ва кўркам бог чикибди. Арик шу богни қесиб ўтган, ундагарк пишиб ётган кирмизи олмалар девор оша кўриниб турганмиш. Йигит минг истихолода бог эшигини такилладибди. Чикиб келган богбонга бўлган воқеани айтиб узр сўрабди. Бир зум хаёлга чўмган богбон аввал кўнмабди. Сўнг бир шартим бор, шуни бажарсангиз, кейин рози бўламан, депти. Йигит ноилож кўнибди. Богбон: "Кўзи кўр, оёғи шол, тили гунг, ўзи бадбуруш бир кизим бор, шунга уйланасиз", дебди. Йигитнинг ичидан ох отилиб, юрагидан кон ситилиб чикса ҳам, иложи канча, шартга унабди. Дарров тўй бошланибди. Йигит хасрат ва нафрат билан чимилдикка кирибди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида хусну малоҳатда тенгсиз, кадду камолотда ўхшашсиз, хаё-назоқатда таърифсиз бир дилдор кўзларини ерга тикиб турганмиш. Бу синоатдан аклу-хуши учган йигит, бу балки англашмовчиликдир, деб ўйлаб богбонга

учрабди. Богбон мийгида кулиб дебди: "Э, ўғлим сизни алдамоқни ният килмаганман. Хакикатан ҳам кизим кўр – чунки шу дамгача бегона эркакка назар солмаган; дархакакат оёғи шол – чунки ота-она чизигидан чикмаган, остона хатламаган; тили гунг – чунки овозини баландлатганини ҳеч бир кимса эшитмаган". Бошига кўнган тасодифий бахт кушидан лолу хайрон йигит: "Кайси фазилатларим учун бу қадар эҳтиромга сазовор бўлганимнинг сабабини айтарсиз?" деб сўрабди. Шунда богбон: "Ариқдан оқиб келган олмани еб кўйганидан хижолат тортиб узр сўраган халол йигитдан ҳам муносиброк эр топилмаслигини англаганим бунга сабаб", дея жавоб кайтарибди.

Меҳри холанинг хикояси ўтирганларга турлича таъсир килди. Тамара бу эртагингизни невараларингизга айтиб беринг, деб хиринглади. Нозимахон илгари шунака аёллар бўлса бордир, ҳозир уйдан чикмасанг сени ким боқади, деб хазилга олди. Яна бири ўша йигитдака халол эркакни топиб беринг, оёғидан ўпаман, чизган чизигидан чикмайман, деди.

Гулшан эса ҳозир жимгина ўз хаёлларига кўмилиб ўтирарди. Чимилдикда куёвга қарашга ботинолмай турган, назокатли, ифбатли, мухаббати ва садокатини бўлажак завжи учун авайлаб-асраган боқира кизнинг ибодати тўла чехраси кўз олдига келарди. Ана шуларни ўйлаб ичидан отилиб чиқаётган фикрлари бирдан тугён кўтариб юборди:

– Мана, ҳаммангиз Меҳри холанинг ривоятига кулиб ўтирибсизлар, – деди кизишганича.

– Аммо бирортангиз унинг магзини чакиб кўрдингизми?

– Вой, Гулшанхон, сиз чакиб бермасангиз, биз омиларнинг кўлидан келармиди? – Тамара пичингидан ўзи рухланиб, қаҳ-қаҳа отди.

– Майли, кулинглар, кулаверинглар. Холбуки, ўз ахволингизга йиглашингиз керак. Ахир, бизни мана шундай тубанликка тушсин, деб юзимиздан чимматни олишганмиди? Тўрт девор исқанжасидан, "жохил эр"лар зулмидан халос қилишганмиди?

– Мана, сиз ҳам ўша зулмкор эрни ўйнашга алмаштириб юбордингиз-ку! – деди Муҳаббат исмли шаддодгина аёл гап суқиб.

– Гулшан тўғри гапиряпти, – деди Меҳри хола атрофдагиларни тинчитишга ҳаракат қилиб. – Хакикатан ҳам кўп аёлларимиз бузилиб кетяпти. Айниқса, янги шаҳарда. Яқинда бир одам мендан сўраяпти, янги шаҳарнинг аҳолиси кечга бориб икки барабар кўпайиб катармиш, шу тўғрим, деб. Аввал тушунмабман. Кейин у: нимага тушунмайсиз, ахир, кечга бориб эркаклар ўйнашлариникига қелишади-ку, деди. Нима деб жавоб кайтаришимни билмадим. Кўнглингларга келмасину, баъзида мана шунака ўтиришларга чиккани ҳам хижолат тортиб, безиллайдиган бўлиб қолдим.

– О, гапирдилар-ку, – Тамара Меҳри холага қараб қичқира кетди. – Биз билан ўтиришдан оқ килсангиз, кўшилманг, ҳеч ким сизни мажбур этаётгани йўқ. Ха, сиз покдомону, биз беҳаё, суюқ эканмизми, хали?

– Ха, қилмишларингиздан тонасизми? – газаб билан сўради Меҳри хола.

– Бўлди-е, бас қилинглар! – Гулсум кампир даҳанаки жангга нукта қўйишга тиришди, – Сенларни зиёфатга чақирса ҳам бир бало. Арзимаиди шавласи, қуйдирадигалваси.

Нимага бир-бирингга лой чаплайсан. Жанжални кейин қиласанлар!

– Тўхтанг, Гулсум опа, мен анави покиза билан орани очик қилиб олай, – энди Тамара жазавага минди. – Нимага, тонарқанман, тонмайман. Ха, бузукман, ичинг қуйяптими? Агар хавасинг келса, айт, бирорта бўйни йўгондан топиб бераман.

– Унақаси сенга керак! Сенга ўхшаб учраган эркакка осилишдан худо асрасин! – Меҳри холагазабдан қалт-қалт титраб Тамарага гапира кетди. – Сендақаларнинг қасрига хаёда, ибодда, садокатда тенгсиз аёлларимизнинг шаънига бугун доғ тушиб, юзига қора

чапланяпти. Биттанг бебилиска пул топиш, биринг кўнгил хушлиги, бошканг ношуд эрдан ўч олиш, яна биринг лахзали хавойи лаззат учун ифлос тўшакка узала тушяпсанлар! Ичкилик ичишда, гиёхвандликда эркакларга дарс беряпсанлар! Агар мухтожлик, зулм бунга мажбур килганида ҳам гўргайди. Сенларнинг кисматингга хавас у ёкда турсин, рахмим келади, ачинаман, куяман!..

– Куймай кўякол. Ўзингни жа силлик гумбазу фаришта кўрсатганинг билан бегона эркакнинг кучогига кирмай ўтмагандирсан? – дея Тамара пичинг отди.

– Айтдим-ку, сенлар билан ўтиришга хазар киламан!

– Жа сендакаларни кўпини кўрганмиз! Якинда мехмон келиб, битта сенга ўхшаган покизанинг уйига ярим тунда кўнгирок килдим. Эрининг кучогидан чикиб келиб, мехмонимнинг кўнглини овлаб кетди.

– Шунака вокеаларни эшитсам, баъзан аёл бўлганимдан афсусланиб кетаман, – деди Мехри хола алам билан. – Уялсанглар-чи, бу гапларни гапиргани! Ахир, ўшалар ҳам одамми? Уларнинг болалари кўз ўнгиларида содир бўлаётган кабохат ва фахшга кандок чидайди. Арзимаган пул ёки такинчок учун бегона эркак олдида тантик кизлардай кийшанглаётган, уларга яхши кўриниш учун арак ичишдан тоймаётган оналарининг килмишини кўриб, кўзи окиб тушмайдами?..

Мехри холанинг ортик гапиришга бардоши етмади. Шартта ўрнидан турди. Гўё хаво етишмаётгандай огзини катта-катта очиб, харсиллади. "Дахшат, дахшат, накадар дахшат!" дея олди. Эшикни карсиллатиб ёпиб чикиб кетди. Ўтирганларнинг бир сапчиб тушганини ҳам, ортидан айримларнинг кўзголганини ҳам, Тамаранинг бежаёларча айниб сўкинганини ҳам билмади.

11.

Гулшаннинг янги уйда биринчи танишган кўшниси Тамара бўлди. Ўшанинг кистови билан бир хафтадан кейинок квартирани "ювиб" бериб, кўшнилар билан танишиб олди. Аммо ўша кунги – Гулсум кампирникидаги жанжалдан буён Гулшан Тамара билан гаплашмай кўйди. Битта-яримта кўшнига кўринмаслик учун кундузи кўчага чиккани ҳам ботинолмай колди.

Барибир Тамарадан кочиб кутула олмади. Дам олиш куни эди, кийшанглаб кириб келди. Сирка сўраб чикканмиш, помидор тузламокчи экан. Кир бошлаб кўйган Гулшан сирка шишани узатдию яна ишга тушиб кетди. Гулшан ўзини олиб кочгани сари, у алланималарни бахона килиб суйкалиб чикаверади.

Саккиз йил бурун эридан ажрашган. Эри хозир кайсидир заводда деректор, катта микдорда алимент тўлайди. Шундан буёнги саргузаштлар Тамарани бутун сахарга машхур килиб юборган. Аммо хамма тергаш ўрнига негадир ундан хайикар эди. Гулшан ҳам уни хар гал бирорта эркакнинг пинжига сукилганича уйга кираётганини кўриб колади. Гохо бемаврид ташриф буюрган мехмоннинг кўнглини овлаш учун кўшнилардан арок сўраб юрганини эшитади...

Гулшан хозир кўли ишдаю, Тамаранинг куюк бўёк чапланган юз-кўзларига, хурпайган сочларига тез-тез назар ташлаб кўяди. Ўзи беихтиёр ёшлик йилларини ўйлайди. Хакикатан ҳам, бундан ўн-ўн беш йил аввал ахлоқ тамоман бошкача эди. Ё ўшанда махаллада аёллар хаёли, одобли эди, шекилли. Одамларнинг кўз ўнгида ўпишиш у ёкда турсин, хатто кўл ушлашиб юриш ҳам каттик одобсизлик саналарди-ку!

Янги сахарга келганидан буён бу ердаги разолат, бежаёликни кўравериб кўникди. Энди

куппа-кундузи ўпишган, уйига бегона эркак етаклаб келаётган, лабига сигарета кистариб баралли сўкинаётган, энг дахшатлиси, ичиб гандираклаб юрган аёлларни кўриб, таажжубга тушмайдиган бўлиб колди. Бунакаларни тергайдиган, танбех берадиган ёши улугнинг биттаси Гулсум кампирми? Ёки мана шу Тамарами? Бошида эркаги йўк хотиннинг харидори кўп бўлар экан ўзи. Гулшанга ҳам шу кунгача билинмаган эди. Хозир ҳам униси гап сотади, буниси тилини такиллашиб ўтади, ёки маънодор кўз кисади. Бирига хўмрайиб, бирига терс жавоб кайтариб тинкаси курийди. Баъзан ярим тунда "адашиб" эшигини такиллашилади. Шунда кизини багрига босганича даг-даг титраб ўтираверади.

Гулшан эркакларга умуман ишонмай кўйди. Бебахтлигида ўзининг айби етарлилигига карамай, барибир эркаклардан нафратланади. Назарида улар ўзларининг факат рохат-фарогатлари учун, шахвоний истакларини кондириш учун аёлларни истаганча аврар, алдар, кўнглини овлар эди. Айникса, Мавлоннинг энди бошка биттасини тузokka илинтириш учун харакат килиб юрганни эшитганидан бери эркак зотини тинмай каргайди. Шунинг учун ҳам ваннахона эшигига суяниб, бидирлаганича акл ўргатаётган Тамаранинг гапларига кизиксиниб кулок сола бошлади:

– Мен сенга айтсам, эркакларнинг хаммаси ҳам бир гўр. Айтайлик, сен ёшсан, хуснинг етарли ёки тўк оиладансан – хотин килади. Эртага тўрттасини тугиб ўтин бўласан. Юзингга аввал дог, кейин ажин тушади. Ана ўшанда эр зоти дарров айнийди. Ё хотинни янгилаш пайига тушади ёки ўйнаш топади. Чунки ўзи хали ёш, ёнига пул тушган, машина, обрў бор. Шунинг учун уларнинг додини бериш керак. Санга нимани гапиряпман, ахир ўзингнинг бошингдан ўтди-ку хаммаси. Янаям сенга койил. Уйдан ҳам, нештатни эрдан ҳам ажралиб, индамай колавердинг. Судга бермайсанми ёки бирортани тугволиб, соғиб ичмайсанми?

– Менга унинг ҳеч нарса керакмас, – деди Гулшан хомуш.

– Э, жуда гўл, содда экансан, – яна бор овозда гапира кетди Тамара кўзларини ола-кула килиб. – Мана, меники партиядан ўчиб, ишдан хайдалиб кетардию... Судда кизишиб, ўша гўрсўхтани сўкворибман, судялар унинг тарафига ўтволишди.

– Барибир алиментни куртдаккина килиб оляпсиз-ку!

– Э, алименти ордона колсин... Тўгри, алиментим битта инженернинг ойлигига тенг, ишламай ётишга ярайди. Ахир, бўлажак деректорни эрликка бекорга танлабман-ми? Ўшандаёк хисобини чикариб кўйганман-да, – шараклаб кулди Тамара.

– Лекин Тамарахон... – Гулшан гап бошлашга бошладию, давомини айтишга истихола килиб колди. Аммо айтмасам Тамаранинг кўнглига бошка гап келмасин дея давом этди: – Шунака дейсизу, хар канча пул кизингизга ота ўрнига ўтармикин? Мана, мен "пуф сассик" килиб нима обрў топдим. Итнинг кейинги оёғиман, мана шу кулда ёлғизлик азобини тортиб ётибман-ку!

– Э, садкайи кўз ёши кетсин. Тешик мунчок кўчада колармиди? Буниси бўлмаса униси, деганлар. Хали шунака манаман деган эркакларни топиб берайки, ўша эрингни ҳам, Мавлонингни ҳам огзи карракдай очилиб колсин.

– Энди менга ҳеч ким керак эмас. Хаммасидан тўйдим. Ўшандаги енгилтаклигимнинг азобини хали-хали тортяпман. Шоиранинг яйнашларидан, уйкусида "дада"лаб чикишидан юрагим эзилиб кетяпти.

– Бунга ўзинг айбдорсан, кўшни. Аллакачон кизингга бирорта пулдор йигитлардан дада опкелиб беришинг керак эди. Ўзинг зерикмайсан, кўлингга жарак-жарак пул, маишатинг жойида, кийганингга халк артисти хасаддан куйиб ўлади. Бу ахлоқ, вафо деганларинг

китобий гаплар бари. Бозоринг ўтиб турибдими, ўйнаб-кулиб кол. Эртага шафтоликокига айлансанг, кўз очиб кўрган эринг хам сендан кочади.

– Ўзи Мавлон билан танишганимдаёк хамма яқинларимдан ажраганман. Агар сизнинг айтганингизни килсам шахардан кувиб чикаришар?

– Бе, кувиб бўпти. Хозир кайга борсанг, хотин кишининг тили узун, пичоги кескир. Агар сал кўз ёши килиб кўйсанг, борми, гунох сенда бўлса хам айбни эрингга агдаришади. Эр, ёшлик, хусн вафо килармиди? Ана, Клара эрини роса кутди. Камокдан келгач уйдан хайдаб, бошкасига уйланди-кўйди. Шунинг учун эр-пер деб оёгингни ўзинг тушовлама. Бирорта келишганидан топиб берай, мацца килиб айшингни сур!

– Ох, эримни канакалигини билганингизда... Энди кўзим очилди. Агар илгарирок аклим етганида Мавлонни унинг харом тукига хам алишмасдим.

– Кўй, бунака эртагингни менга айтма. Эркакларнинг хаммаси бир гўр. Уларнинг кирдикорини мендан сўра. Канчасини кўрдим. Хаммаси ўзини ўйлайди, хаммаси тилёгламачи, алдокчи. Аввал бошингга зар сочиб, сен учун дунёнинг ярмини совуришга тайёр туради. Хаммасининг додини бераман, пулини шиламан. Биттасини хотинингни танийман, деб ўтакасини ёраман. Бошкасининг маишатини еб, эрим келиб колди, дея уйдан куваман. Ха-ха, кулма, уларда аламим зўр. Эвини килдим, дегунча боплаб ўч оламан. Ер ютсин хаммасини!..

Тамара шундай деб овозининг борича каргандию, негадир ўкраб йиглаб юборди. Гулшан нима бўлганини тушунолма, кўлининг магзавасини артиб кад ростлади. Тамаранинг олдига келиб елкасидан кучди:

– Нима бўлди, сизга Тамарахон? Кўйинг, кайгурманг. Хали ёшсиз, хаётингиз изига тушиб кетар...

– Ха-ха, ёшман, изга хам тушар... – Тамара беихтиёр Гулшаннинг гапларини кайтарарди. Кейин яна кош-киприкларидаги бўёкларни юзига чаплаганича йигига тушиб фарёд этди.

– Качон, качон?! Энди мени ким хам хотин киларди? Кимлигимни бутун шахар билади-ку! Отнинг кашкасига айланганман-ку!...

– Буни тузатиш кўлингизда... тушкунликка тушаверманг...

Гулшаннинг гапи чала колди. Тамара яна хикиллаганича сайрай кетди:

– Энди тузатиб бўлмайди, кўшни! Барига ўзим кул тортганман. Хаммасига молпарастлигим, енгилтаклигим сабаб! Кани энди бари туш чиксаю...

Тамара шундай дедию деворга суяниб, бошини оркага ташлади. Кўзларини шифтга кадаганича: "Афсуски, булар туш эмас", деб кўйди. Гулшан кўшнисининг тўлиб-тошиб турганини сезиб, ишни тўхтатди. Тамарага курси кўйиб берди. Ўзи хам кизининг пастак курсисига ўтирди.

– Ха, сенинг йўлинг тўгри, Гулшан, – шивирлади Тамара хамон шифтдан кўзини узмай. – Хаётда бир марта адашдингми, энди бошка хатолардан ўзингни тий. Аммо жиндай иродасизлик килсанг, мендек афсус чекиб юрасан. Ахир, мен хам бошкаларга ўхшаб эримнинг ишдан келишини хошлайман. Боламини ўйнатиб, яйрашини кўришни истайман. Юрагимни унга очгим келади. Нима килайки, бахтимни ўзим йўкотдим. Ўшанда ёш, чиройли эдим. Нега бошкалардай тўкин яшамаймиз, дебман. Бир йил ўтмай латта-путтанинг жанжалини килибман, нега халигача зирак, узук обермайсиз дебгавго кўтарибман. Караб турсам, эримнинг топгани коринга аранг етади. Уйдан кийиб келганларим эскиди. Эримга айтсам, икки гапнинг бирида: энди институтни битирдим, сабр кил, дейди. Нукул кўйнимни пуч ёнгокка тўлдиради. Йўк, чидолмадим. Гўёки, бир умрга шундай ўтиб кетадигандайман. Кариганимда обеганини бошимга урамани, деб

хафсалам пир бўлди. Худди ўшанда Нозима хола деган кўшмачига рўпара келдим.

– Ие, у ким эди? – хайрон сўради Гулшан.

– Сен танитайсан. Канча-канча жувонларни йўлдан оздирган, нечталаб оилани бузган кампир. Ўтган йили ўлди. Ўша бир куни кўчада ушлаб гапга тутди. Ўзи хасратимни кимга очишни билмай юривдим, тилимнинг кашаги ечишиб кетди. Санга осонгина пул топишни ўргатаман, деди. Ўша куни кампирнинг уйида бир йигит билан тунаб колдим. Менга ўн беш, кампирга ўн сўм тегди. Бошим айланиб, бир ойда эрдан ажрадим, алимент кестириб олдим. Орзуга ҳам етдим. Эгнимда ҳеч ким киймаган антика кўйлақлар, жихозларга тўла уч хонали кооператив уй, такинчоклар...

Тамара гапини тугатмай жим колди. Кора суртилган ёногини кўрсаткич бармогига туфлаб артиб кўйди. Кейин сўник овозда хикоясини давом эттирди:

– Орзу килган хамма нарсаларимга эришдим, ўзим ўзгариб колдим. Баридан кўнглим совиб кетди. Эркак зотини кўрсамгазаним кайнайди, аламим ортади. Туриб-туриб тутокамман. Хаммаси туллак. Огзидан бол томади, севганига касам ичади, сени илондай аврайди, хотинини кулга белаб, косовга санчади. Аммо эртасига корасини кўрсатмайди, думини тутказмайди. Ана ўшанда ўтирволиб, хўрлигимдан йиглайман. Бахтимдан ажраган ўша машъум кунни лаънатлайман. Ахир, озгина чидасам, жиндай сабр килсам, хозир кимсан – фалончи деректорнинг хотини бўлиб юрардим. Ха, ха, конуний хотини!..

– Кўйинг, кўшни, кўп куйинаверманг. Ўтган ишга саловот.

– Менга тасалли берма, Гулшан. Иннайкейин, телба-тескари гапларимга кулма. Ўзим ках-ках урсам хам ичим йиглайди. Ха, юрак адо бўлган. Такдиридан кўп ўкинаман. Лекин, туриб-туриб кувониб кўяман. Ахир, килган ишларимдан афсус, изтироб чекапман-ку! Демак, хали инсонлигим йўқолмабди. Шунака деб ўзимни овутаман. Ана шу юпанч билан яшаб турибман, кўшни! Буларни сенга нимага гапиряпман: агар иложини килолсанг, эрингнинг олдига бошингни эгиб бор, оёқларига йикил, минг бор узр сўра. Агар кечирмаса, ундан бошка бирортаси билан хакикий оила кур. Менинг кисматим бошингга тушмасин!..

Тамара гапини хам тугатмай, ўрнидан шартта туриб, чикиб кетди. Хатто сўраган сиркаси хам столда колди. Гулшан у кунги базмда Тамаранинг беҳаёлиги, шаллакилигини кўриб, ўзича масхара килган эди. Хозир бирданига ачинди. Унинг гох кулиб, гох йиглаб айтган хаёт достони хамон кулоги остида жаранглайди. Ўзининг ўқилмаган китоб янглиг мавхум келажагини ўйлаб, юраги яна эзилди.

12.

Гулшан уйкудан таъби тиррик уйгонди. Тушида Мавлонни кўрибди. У олисдан келаётганмиш. Гулшан харчанд етиб оламан, деб унга интилармишу, оёги чалишиб йикилаверармиш. Шу пайт рўпарасидан бир аждахо чикди. Огзини катта очиб, Гулшанга олов пуркаб юборди. Гулшан гуриллаб ёна бошлади. У "ёрдам беринглар, войдод, ёняпман" деб кичкирмокчи бўлар, аммо овози чикмасмиш. Унинг бу холатини кўриб Мавлон ва унинг атрофидаги тумонант одам кўлларини унга бигиз килиб, нукул хохолашармиш...

Ёнаётган оловнинг тафтини ўнгида хам аник туйди. Бадани мисдай кизирди. Боя тушида кичкиролма кийналганидан юраги гупиллаб урарди. Вужудини хоргинлик ўраб олган. Бир пас шу кўйи ётди. Аммо кўзи илинмади. Ўрнидан туриб, жаги очилиб колган шиппакни оёгига илди. Тунги чирокни ўчириб, бемордай ихралиб, ювиниб келди. Кейин

кизининг каравотига бир дам шуурсиз тикилиб турди. Шу топда уни жудаям согинганини англади. Хаёли ўқтин-ўқтин бояги тушига кетиб колаверарди. Таъбирини тополмай юраги сикилди.

Ўзини чалгитмокчи бўлиб нонушта тайёрлашга киришди. Музхонани очди: жиндай сариёт билан учта тухум қолибди, холос. Бир неча кундан буён бозор килолмагани эсига тушди. Бирдан ўзининг ночор ахволдан, ёлғизлигидан хўрлиги келди, кўзлари ёшланди. Иккита тухумни сувга пиширди. Кейин хонтахта ёнига ўтириб, тухумни арчди, пиёлага чой куйди. Аммо иштахаси бўғилганидан ҳеч нарса ўтмади. Ким нима деса десину, ёш аёл учун ёлғизликдан огиррок, дахшатлирок фожиа йўқ эди.

Аввалги кунни Мавлонга кўнгирок килган эди. У олдин иши кўплигини айтиб тайсалланди, учрашишдан бош тортди. Аммо Гулшан ҳам бўш келмади.

– Йўқ деманг, Мавлон ака! Ўшанда хайрлашмай ҳам уйдан хайдадингиз. Бунчалик жонингизга текканимни билганимда олдинрок кетган бўлардим...

– Кискаррок қилишининг иложи борми? – Мавлоннинг жахли чиккани овозидан билиниб турарди. – Мендан нима истайсан, ахир?! Агар пул-мул керак бўлса, уни айт, йўгаса тинч кўй!

– Раҳмат... – Гулшан шундай дедию, давомини гапиролмай колди. Юраги каттик санчди. Алаmidан телефон дастагинигижимлаб юборай деди. Шунда ичидан хўрсиник аралаш "аблах" деган хитоб отилиб чикди. Буни Мавлон эшитиб колмасин дея дастакни кафти билан шошиб бекитди.

– Мавлон ака, – дея гап бошлади Гулшан бироздан кейин яна ўзини кўлга олиб. – Менга ҳеч нарсангиз керакмас. Факат сўнгги марта учрашайлик. Сизни жуда-жуда согинганман. Сизни канчалик севишимни... кечалари ухламай ўйлаб чиқишимни... эҳ, канчалар азоб чекаётганимни билсангиз эди!..

– Гулшан, хафа бўлмагин-у, сира вақтим йўқ. Иложи топилса, ўзим кўнгирок киламан.

– Кўркманг, Мавлон ака, жанжаллашмокчи эмасман, ҳеч қандай даъвойим ҳам йўқ.

Хаммасини тушунаман. Факат неччи марталаб уйингиз олдида йўлларингизни пойлаганимни, учратганда эса, рўбарў бўлишдан хайикиб юрганимни билармикинсиз? Худо ҳақки, сизга ёмонликни раво кўрмайман. Сўнгги бор кўзларингизга термилиш, кўлларингизни ушлаш насиб килса бас! Йўқ деманг, Мавлон ака!

Мавлон узок жимиб колди. Кейин, "бўпти, кечкурун уйингга кириб ўтаман", дедию дастакни кўйди.

Гулшан Мавлонни алдади. Ёмонлик тиламайман деганигирт ёлгон. У Мавлондан чеккан аламлари, хўрликлари, уни деб эридан ажрагани ва боласини тирик етим килгани, охири энг ифлос фохишадай уйдан қувгани – хамма-хаммаси учун интиком олиш истагида эди. Касос ўти унга тинчлик бермай кўйган, вужудини ўрмонга кетган ёнгиндай аста ямлаб, куйдириб борарди.

Лекин Мавлондан қайси йўл билан ўч олишни ўйлаб кўрмаган экан. Нима килсин! Гап билан тузлаб хуморидан чиксинми? Йўқ, бунда ҳам лагча чўг юраги таскин топмайди. Ё ишхонасига бориб, ўтган воқеани хаммага айтиб, шармандасини чиқарса-чи? Бу ҳам маъкул келмади. Мавлон ўлгудай туллак, ўзини минг томонга уриб, сувдан курук чиқади. Ўз хотини ҳам такдирга тан берган шекилли, эрининг кингир қадамини билса ҳам, мум тишлагандай жим юрибди.

Ўйлайвериб бошиговлаб кетди. Нихоят, катъий қарорга келди: уни ўлдиради! Ха, ха, чеккан барча азоблари учун ана шундай йўл билан Мавлондан касд олади. Ана шундай деб ўйлади-ю, ўз хаёлларидан ўзи кўркиб кетди. Кучи етармикин? У эркак киши, бунинг

устига букадай кучли.

Нима бўлгандаям, барибир, ўлдириши керак. Хайдалганидан буён юрагининг катида пушиб ётган аламлар шу тобда жунбушга келди, рухига мадад берди. Интиком хиссигоблик кила бошлади. Мавлонга дабдурустдан ташланишга балки журъати етмас? Эхтимол ниятига эришолмай, унинг калтагидан халок бўлар? Кандай тўганок чикмасин, йўлини нелар тўсмасин, барибир аҳдини амалга оширади. Хеч бўлмаганда ярадор кила олар? Йўк, бунда ҳам касд илинжида томирларидан тошиб оқаётган кон совимаслигини яхши билади. Унинг жонини олиш керак! Хаётини паймол этган, беҳаёларча алдаган, хўрликка солган, бутун орзу-умидларини чил-парчин килган кимсанинг жазоси шу бўлади. Шунда унинг бесаранжом, безовта калби тинчийди, ором топади. Шунда у умрининг бесамар ва дилхун ўтганига унчалик афсус чекмайди. Мавлон келгунича Гулшаннинг хаёллари неча кўчага кириб чикди. Гох бир неча дакикадан сўнг ушбу уйда содир бўладиган котилликнинг бутун тафсилотлари кўз олдига келади. Милиционерлар кўлларини боглаб олиб кетаётган холатда ўзини тасаввур килади. Гохо пичокни Мавлоннинг кок юрагига санчган сониядаги ўз ахволини хис этади, димогига кон хиди урилиб, томогига ўкчик келади.

Ошхонага кириб нон кесадиган узун пичокни олди. Ўткирлигини синамокчи бўлгандай, тигини тирногига теккизиб кўрди. Кейин уни кийим ечадиган козик тепасига яширди. Сўнг Мавлонга кандай килиб пичок санчиш режаларини белгилай бошлади. Эшик кўнгируги чалинса, чап кўлида эшик очади. Мавлон кириши билан ўнг кўли билан унинг кўксига мўлжаллаб уради. Йўк, бунакаси бўлмас экан. Эшик очик турганда уни ўлдиролмайди, бирор киши кўриб қолиши мумкин. Яхшиси, уни диванга таклиф этади, ўтириши билан курагига солади. Ўша холатни туйиб, аъзойи бадани даг-даг титрай бошлади. Харчанд ўзини босишга уринса ҳам иложини тополмас, юрагининг гурс-гурс уриши ўзига ҳам эшитилиб турарди.

Шу пайт эшик кўнгируги жиринглаб колди. Эшикни очди. Рўпарасида ўша – Мавлон акаси турарди. Чехрасида кўркув, истихола ёки афсусдан асар йўк. Гўё биринчи бор кўраётгандай, жилмайиб турибди. Гулшан индамай йўл бўшатди. Мавлон ичкарига кириб, такаллуф ҳам кутмай тўгри диванга бориб ўтирди. Уй жихозларига, ранги ўчган дарпардаларга, хатто эшиги кия очик ошхонага ҳам синчковлик билан бирма-бир назар солиб чикди. Кейин "хўш хизмат" дегандай нигоҳини Гулшаннинг хаяжон ва кўркувдан дам бўзариб, дам кизараётган чехрасига кўчирди.

Гулшанни тили лол: нега пичокни аввалрак диван якинига келтириб кўймаганига афсусланганича турарди. Мавлон энди саволини тилига чикарди:

– Мана, мен келдим, нима гап бор эди?

Гулшан ҳамон сукутда. Нима ҳам дерди! Севишини, усиз бирор кун ҳам яшай олмаслигини айтса, барибир у ишонмайди. Хайдаган куни, "мен севгига ишонмайман, бу бекорчиларнинг ва миркурукларнинг ўзига тасаллиси" деган, кайтанга Гулшаннинг гўллигидан, хавойи ва китобий хаёлларидан кулади. Ахир, авваллари ўзи ҳам ишк нималигини тушунмай турмушга чикканини, Мавлонни чинакамига севиб колганини, хакикий мухаббатнинг нимага кодирлигини энди тушунганини кандай айта олсин!

– Гулшан, менинг вақтим зик, сен билан индамас ўйинига имконим йўк. Мана яшашинг ёмонга ўхшамайди, агар пулдан кийналиб колган бўлсанг, уни айт! Факат мени тинч кўй! Иннайкейин, ишхонага кўнгирук килма, тушунмаганлар турли хаёлга бориши мумкин.

Гулшан гапирмокчи эдию, Мавлоннинг сўнги жумласи яна вужудини киймалаб юборди. Демак, у бутунлай бекадр бўлибди, назардан қолибди-да. Энди Мавлонни кўриш у ёқда

турсин, хатто овозини эшитишга ҳам хадди сигмас экан-да. Йўк, йўк, бунга асло чидолмайди. Майли, Мавлон акаси ўша чиройли маъшукаси билан яшайверсин, уларга асло халакит бермайди. Факат гохида Гулшаннинг кулбасига ташриф буюриб турса, жувон унинг нафасини хис этса, кучганида багрига сингиб кетса! Унга бошка ҳеч нарса керак эмас!

Аммо Гулшан бу гапларни Мавлонга айта олмади. Факат лаблари унсизгина пичирлаб кўйди. Хамон Мавлондан кўз узолмас, унинг бетокат нигоҳини ушлашга беҳуда уринарди. Бирдан сабрсизликдан тепиниб турган оёқларига йикилиб, ўкраб-ўкраб йиглагиси келди. Аммо бунга ҳам журъати етмади, тўғрироғи хад килолмади.

Нихоят, Мавлон шахд билан ўрнидан турди. Ёнини кавлаб, бир даста уч сўмлик олиб, диванга ташлади. Кейин Гулшанга чакчайиб асабий деди:

– Гулшан, ўзинг биласан, аёллар билан пачакилашиб ўтиришни ёмон кўраман. Агар ниятинг бузилиб, эт-бетга югурадиган бўлсанг, унда ўзингдан ўпкала. Шундок расвойингни чиқараманки, ё кочиб кутулсан, ё ўлиб. Тушундингми? Яхшиликча хаммасини унутайлик, йўғаса бир-биримизни хафа килиб кўямиз.

– Буни биламан, Мавлон ака. Факат кайси гуноҳим учун хайдаганингизни айтсангиз кифоя! – Гулшан Мавлоннинг кўзларига ялинч билан тикилди.

– Агар жа билгинг келса, эшит, – Мавлон унга карамай гапирди. – Гапимни икки килгани ҳеч кечиролмайман. У дунёда тенгсиз бўлса ҳам... Ке, эски гапларни кўзиб, асабни бузмайлик. Хайрлашмоқчи эдинг, яхшилик билан ажрашайлик.

– Мавлон ака, кетманг!! – Гулшан чинкириб юборди.

Мавлон Гулшангагижиниб назар ташладию, эшикка юрди. Уни охиста ёпаркан, ортига карамай совуккина "хайр" деди. Гулшан кўлга тушган киссавурдай хона ўртасида калтираб турар, Мавлонга пичок уришга улгурмагани учун тинмай ўзини лаънатларди. Аммо агар Мавлон ҳозир кайтиб киргудай бўлса, барабир уни ўлдиролмаслигини, севган кишисига пичок кўтариш у ёқда турсин, хатто ёмон сўз айтишга ботина олмаслигини аниқ хис этарди.

13.

У Тамара билан мусофирхонага етиб борганида окшом кўч ташлаган, йўлкалар хиёл гавжумлашган, бинолар пештокидаги нурли лавхалар "ракс туша бошлаган" пайт эди. Тамара ўзини бемалол тутиб, атрофига сохта бепарволик билан аланглаб чикди. Бу орада мусофирхонанинг ойнаванд эшигидан ичкарига бош сукиб, дарбон билан ниманидир пичирлашиб олди. Кейин хадик ва тортинишдан талмовсираб колган Гулшаннинг ёнига келиб, давлат сирини айтгандай шивирлаб гапирди:

– Мижозларимиздан дарак йўк, бироз кутамиз... Кўнглингни хотиржам кил, хаммаси яхши кўчади. Биринчи овни ўзимга кўйиб беравер. Хали мазахўрак бўлиб колсанг...

Тамара гапини тугатмай, оёк остида ўралашиб юрган чумчуқларни чўчитиб, шараклаб кулди. Юрагига сигмаса ҳам Гулшан хоргин жилмайиб кўйди. Хаяжон ва кизиқиш билан кутилган бугунги учрашув негадир унга завк бермас, калбида уялишга ва жирканишга мойилрок туйгу ҳоким эди. Аммо Тамаранинг кахридан чўчиб, ичидагини ташкарига чиқармади.

Тамара деганлари ўлгудай мугомбир экан. Мавлоннинг сўнги ташрифини, шундан кейин Гулшаннинг кўчага кадам босмай кўйганини, ўзини анча олдириб сўлиганини – барини пайкаб юрган экан. Ер тагида илон кимирласа билади-да, ер ютгур! Ўша куни

кийшанглаб, захарханда кулги билан кириб келди:

– Ха, азачи хотиндай тўрсайиб ўтирибсиз, Зайнаб пошша? Нима, Отабегингиз Кумуш билан кетиб, гамгагарк бўлиб колдингизми? – дедию ўзининг ўхшатиши ўзига нашъа килиб, тиззасига шапатилаб, котиб-котиб кулди.

Гулшан жавоб бермади. Аммо Тамаранинг гапига жилмайиб кўйди. Эзилаётганини, дунёси коронгилигини сездирмаслик учун ўзини кўлга олиб, уни ўтиришга таклиф килди. У икки кўлини белига тираб, хона ичида айланар, хали у нарсага, хали бу нарсага кўл теккизиб кўрар, аммо огзи гапдан бўшамасди:

– Одам деган сал ўз кадрини билиши керак. Нима энди, биттаси ташлаб кетди деб, кўкракни захга бериб ётиш керакми? Эркак зоти ўлгур хар кадамда хиёнат киладию, нега энди биздан вафо талаб этаркан? Тупур хаммасига, бугундан бошлаб такдиринг билан ўзим шугулланаман. Шунака келишган, пулдор йигитларни топиб берайки, Мавлонинг хасаддан ёрилиб ўлсин!

Гулшан Тамаранинг бидирлашига жавобан:

– Кўйсангиз-чи, Тамарахон, – деди маъюс. – Унака дуч келган эркак билан апок-чапок бўлиб кетиш менинг кўлимдан келмайди.

– Ие, ие, назарингизда сиз покиза, вафодор хисобланиб, биз учраганга ўзимизни топширадиган жалаб бўлиб колдикми? Хали кўрарман, бирортаси билан таништириб кўй, деб ялинавериб тилингизни ялашингизни. Жа сиздакаларнинг кўпини кўрганмиз. Аввал шунака сиртига сув юктирмай, кейин бизнинг мижозларни хам тортиб кетади.

– Мен сизни айбламокчи эмасман. Хар кимнинг гўри бошка, хар ким суйган овкати ичади. Аммо мен бу йўлга киролмайман.

– Вой-вуй, хали турмуш азобларини тортганлари йўк-да, Мавлон акаларидан колган кўр билан нозу карашма бўлакча. Итдай ишлаб юз сўм маош олсалар, кўрамыз. Уни овкатга етказсалар кийимга етмаса, кийим олсалар болалари пул сўраб хуноб килса. Ўшанда ўзлари йўргалаб колармикинлар кайдасиз пулдор акалар, деб.

– Хеч қачон! Очимдан ўлсамам бунака килолмайман, – деди Гулшан кизишиб.

Аммо уч-тўрт кун ўтиб Тамарага беҳуда катта кетиб кўйганини англади. Уни-ку, пулга мухтожлик кийнамади, оч-ялангоч колмади. Факат Мавлоннинг хўрлагани, хатто охириг куни хам инсон ўрнида кўрмагани алам килаверди. Ундан ўч ололмагани, уни ўлдиришга касд килиб, хатто ёлгондакам пўписа хам килолмаганигазабини кўзгарди. Айникса, унинг хеч нарса бўлмагандай янги маъшука билан айш-ишрат килаётганини хаёлига келтириб, баттар эзиларди.

Охири бу ҳақда ўйламасликка қарор килди. Ер ютсин ўша кўрнамакни, хали Гулшаннинг тирногига зор бўлади. Гулшан шунаканги мазза килиб айшини сурсинки, Тамара хам ярим йўлда қолиб кетсин. Нима, унинг Тамарадан қаери кам? Хуснда хам, ёшда хам ундан бир поғона баландда. У шунчалик пул топяпти, демак, Гулшан ундан хам кўпрок туширади. Хакикатан, ишлаб нима зарил, қайси корни тўймай қоляпти? Битта кизини бокиб олар? Хали уйини шунаканги безатиб олсинки, унинг олдида Мавлоннинг ўша миннатли уйи гадонинг кулбасидай бир пуллик бўлиб колсин! Шунаканги кимматбаҳо кўйлақлар тиктирсинки, янги маъшуканинг ичи куйиб ўлсин!..

У шундай деб хаёл сурардию, кўксининг аллақадеридан "сен бундай килолмайсан, кўлингдан бу ифлослик келмайди", деган кучсизгина садо эшитилаётгандай бўларди. Барибир, Мавлонга ўчакишиш, унга касдма-қасдга иш тутиш хисси устунлик килди. Факат шу йўл билангина хумордан чиқиши мумкин. Мавлон ўзи "пуф сассик" килган жувон ортидан не-не бойваччаю олифталарнинг югуришини кўриб, ёқасини ушлаб колсин!..

Бугун эрталабданок Тамара билан икковлашиб биринчи "мухаббат ўйини"нинг бутун икир-чикирларини, тафсилотларини роса мухокама килишди. Янги шогирдига хунар ўргатаётган устадай Тамара эркакларни илаштиришнинг турли йўлларини Гулшанга эринмай тушунтирарди. Гулшан тўгри бораману, ёктирган йигитимни эргаштириб, уйга бошлаб келаман, деб ўйлаган экан. Бу ишнинг ҳам минг бир йўли, сир-асрори бор экан. Тамара уларни бидирлаб Гулшанга уктирарди:

– Биз асосан "Ором" мусофирхонаси атрофида "ов" киламиз. Чунки у ерга колхоз раислари, фабрика деректорлари кўп келади. Илло-билло ўзимизнинг ҳамшахарлар билан пачакилаша кўрма! Айланиб келиб таниш чикиб колиши мумкин. Галстук таккан, папка кўлтиклаганлардан узокрок юр, чунки улар миркурук бўлади. Ишни битириб, уч сўм кистириб кочиши мумкин. Иложини килсанг, ресторанда ўтиргандаёк нархини келишиб ол. Хар куни онабошининг улушини чўзишни унутма, йўкса, сени бу ердан четлатиб ташлашади. Колган гапларни ўша ёкда гаплашамиз. Мелисани кандок алдаб ўтишни ресторанда тушунтираман...

...Тамара гапини ҳам тугатмай, секин Гулшаннинг бикинига туртди:

– Ов келди. Хов анови икковини кўряпсанми, молини йўкотган чўпондай аланг-жаланг киляпти. Хозир ресторанга кириб жойлашсин, ортидан биз кирамиз.

Хакикатан улардан ўн беш кадам нарида бири пакана ва бакалок, аммо пўрим кийинган, хушмўйлов, икинчиси аксига олгандай орик ва новча, костюми элвайган, кўринишидан соддагина икки киши ўтган-кетганга аланглаб, кимнидир кутишарди. Новчаси буркситиб тамаки тутатар, бакалок эса хар бир ўтган аёл зотининг оркасидан бакрайиб караб коларди. Шеригига нимадир деб, корнини силкиллаб куларди. Улар бироз гаплашиб тургач, ичкарига кириб кетишди.

– Семиз билан ўзим гаплашаман, – деди Тамара. – Орик сал соддарок кўринади, униси сенга. Ресторандан чиккандан кейин хар ким ўз уйига бошлайди. Аммо уйингда эрталабгача тунашига йўл кўйма, ишни битирибок паттасини тутказ, мусофирхонасига жўнайверсин. Ха, иннайкейин, ўз исмингни айтма, гап чувалашади.

Икковлон ресторанга кириб боришди. Кулокни батангга келтириб куй янграр, унинг гумбурида узук-юлук гап, ках-ках, идиш-товокларнинг такир-тукури элас-элас эшитилиб коларди. Тамаки тутунига болта осгудай. Хушрўй, бир хил кийинган, аммо бадфеъл махрамларнинг кўли-кўлига тегмайди.

Кириб боришлари билан семизликдан жаги билан бўйни кўшилиб кетган ойтовокдек махрам мингирлаб карши олди:

– Кел, Тamarочка, соглигинг яхшими, бугун иш зўр бўладиганга ўхшайди. Курултойга келганлар эрталабдан босиб кетди. Ёнингдаги оппок кизни биринчи кўришимми?

– Ха, буми, оповсининг айшини хавас килиб, биззи хунарни танлади. Бугун кўрсин-чи, ёкармикин? Анжела, биззи хов анави икковининг ёнига ўтказ!

– Э, Тamarочка, улар кишлоки-ку, нима маза топардинг, тўнкадай бўлиб ўтиришини кара. Иккита фирмачни кўз остига олиб кўйганман, машина олди-соттиси билан шугул-ланадиганлар.

– Йўк, бугун бунакалар тўгри келмайди. Манови жонимни кўркитиб ё хуркитиб кўйиши мумкин. Сал простойлари тузук!

Махрам уларни тўгри бояги эркакларнинг столига ўтказди. Аёллар нафас ростламай туриб, бакалок типирчилаб колди. Хар икки жувонга сук билан тикилди, негадир шеригига маънодор имлаб кўйди. Кейин ташаббусни кўлга олиб, Тамаранинг исмини сўради. Дарров танишиб олди. Бакалок Тошкўргонда колхоз раиси экан, шериги эса

агропромда ишларкан. Бакалок сўзамолгина, кувноккина экан, дарров овкатга буюртма берди. Махрамнинг кулогига "конъякнинг зўридан опкелинг" деб пичирлади. У кетиши билан беҳаё латифалардан бошлаб юборди. Шериги сал тажангрок экану, раиснинг хушчакчаклиги унга ҳам юкди шекилли, тамаки саргайтирган тишларини кўрсатиб кулишга тушди. Гулшаннинг тортиниб,гайритабийй ўтиришга кўниколмай турганини сезиб, Тамара унинг оёгини босиб кўйди. Кейин новчага юзланиб деди:

– Кавалер деган ҳам шунака бепарво бўладими, жонидан? Рўпарангизга шундок парини ўтказиб кўйибману, мундай гапга солиб ухаживат килишни ҳам унутиб кўйдингиз-а!..
... Улар икки соатларда туришди. Гулшанга бир кадах конъякни зўрлаб ичришгани учунми, ё боя новча билан ракс тушганда оёгини босиб олувди, шунгами, хар калай мункиб кетай деди. Дарров новча унинг кўлтигига кириб олди. Бармоклари негадир кўкрагини пайпаслар, ўзи ичимлик хидини буркситиб, кулогига тинмай "бугун бир мехмон киласиз-да, оканг ўргулгур", дебгўнгилларди.

Уй олдида таксидан тушганда Гулшаннинг юрагига янагулгула кирди: борди-ю, кўшнилардан бирортаси кўриб колса-чи? Шоша-пиша уйга кўтарилишди. Ичкарида новча уни беўхшов кучоклаб, сўлагини суркаб юзидан ўпди. Гулшангаши келиб, уни итариб юборди. Гандираклаб деворга суяниб колди.

Чирокни ёкиб Гулшан кўзгудаги аксини кўрдию, яна жини кўзиди. Сочлари пахмайиб, важохати алвастиларга ўхшаб копти. Новча диванга ўтирди, костюмини ечиб, суянчикка ташлади, бир томонга пайпогини отди. Беўхшов тиржайиб, "келаколинг, дўндикчам, чирокни тезрок ўчиринг", деди.

Гулшан чидаб туролмади, хўрлиги келиб баралла хўнграб юборди. Унинг килигини кўрган новча ток ургандай, кўзини ола-кула килиб котиб колди. Кейин ўрнидан туриб бояги отиб юборган пайпогини кидириб топди. Уни шоша-пиша кияркан, огзи жаврашдан тинмасди:

– Нега йигига тушдингиз, хонимча? Ё пулини олдиндан тўлаб кўйишим керакмиди? Мен... бунака ишга биринчи юришим... Ўзи кўнглим чопмай турувдию, Махмуд ака марказда биргуборни тўкиб мазза килиб кетайлик, деб кўймади-да! Ўзи бизга уйдаги беминнати тузук экан...

Гулшан унинг гапига кулок ҳам солмади. Шахд билан костюмини кўлига олдию, новчанинг башарасига улоктирди. Кейин тарс-турс юриб, эшик олдида борди. Уни очиб, новчага кичкирди:

– Кани бир нарса килиб кўймаганимда жўнаб кол-чи!

У костюмини бир амаллаб кийдию, эшикка караб юрди. Гулшаннинг олдидан ўтаётиб тўнгиллади.

– Тушунолмай колдим, ўзи ноз-карашма билан уйига етаклаб келсаю, хе йўк, бе йўк, хайдашга тушса! Эси жойидами? Эсизгина ресторанга тўланган олтмиш. Хотинга хиндларнинг жемперидан биттаси келарди-я!

Унинг ортидан Гулшан эшикни карсиллатиб ёпди, югуриб бориб, диванга ўзини юз тубан ташлади. Ўкраб-ўкраб алам билан йигларкан, ора-сира бебахтлигидан фигони фалакка чикиб карганарди: "Ўзи азалдан толеинг йўк экан, Гулшан, йўгаса шу кунларга колармидинг? Агар эс-хушингни йигиб олмаганингда шу билан бошланарди-я, ифлос хаёт! Ох, фалак, мен бахтикарода бунча касдинг кўп?!"

Бу йил баҳор кечикди. Март кирган бўлса ҳам ердан қор кетмаган. Тинмай изгирин изгийди, сирпанишдан чўчиб, хали ҳам хадиксираб кадам босаётган йўловчиларнинг юз-кўзини чимдийди, яхши исимайдиган бетон уйларнинг деразаларига гул солиб кочади. Гохида куёш жамол кўрсатиб кўяди, аммо аёзнинг қаҳрига бас келолмайди. Хатто биноларнинг пештокида осилиб ётган сумалакни эритишга ҳам унинг қучи етмайди.

Гулшан оғзидан чиққан бугдан хира тортган дераза орқали ташқарига ўйчан тикилиб ўтирибди. Пастда болалар қий-чув солиб ўйнашяпти. Уларнинг орасида кизи йўқ. Уни эртага олиб келади. Хозир нима қилиб ўтирибдйкин? Бирам соғиндики! Ўзи жа бемехр-да! Тарбиячи тағдор қилиб "қизингиз сер– йиги бўлиб қолди" деганига ҳам эътибор бермади. Бўлди, тамом, ҳаммасига ўт тушсин! Қизини ҳар қуни олинадиган богчага ўтказди. Ўзи яна ўша фабрикасига ишга қиради. Она-бола ўз ҳаётларини қайтадан изга солишади. Балки ҳаммаси унутилиб кетар?

Яна кўзи оппоқ парку орасидан шам сингари хира нур сочиб турган куёшга тушди. Кексалар шунақа холатни "эшак ўлдирар офтоб" дейишарди. Гўёки, хайвон уни кўриб, офтобда мазза қилиб исинаман дея ерга ағанаркан. Охири унинг нури етиб келмай музлаб қоларкан. Гулшан ҳам ўша олис куёш нури қаби сароб ҳаёлларга қул бўлиб, сохта аврашларга ишониб ўзининг ҳаётини, муҳаббатини қурбон қилиб қўйганини аниқ тушуниб турибди. Қошқийди, ҳаёт икки бор берилса, иккинчисида қилган ҳатоларини қайтармасликка интилиб яшасанг!

Унинг муҳаббати ҳам (агар муҳаббат саналса) мана шу аёздаги тафтиз куёшдай ҳаётига жиндай илиқлик олиб қиролмади. У Мавлонга иккинчи хотин бўлишга розилик берганида барча орзу-ниятларига етишни ўйлаганди. Мавлоннинг шохона безатилган уйида маликалар янглик бекалиқ қиламан, деб ширин ҳаёллар сурган эди. Бари пуч кетди. Оқибатда лапашанг ва мирқурук бўлсаям, хотинини юрагидан севган Раҳимдан ажради, қизини тирик етим қилди. Муштипар қайнонанинг қарғишига қолди. Ўз ота-онасига энди бегона. Неча йиллар мисқоллаб топган обрў-мартабаси ҳавога учди-кетди. Қасбдошлари юз ўғирди. Ҳаммаси тамом! Барига ўзи ўт қўйди, яқсонлади, енгилтақлиги туфайли бир кечада, ўша ифлос тўшакда совурди.

Сўнги бир ой ичида бу ҳақда жуда кўп ўйлади. Эҳтимол, Мавлоннинг меъдасига тегиб, уйдан ҳайдалмаганида бу ҳақда унча бош қотирмасди. Ёлгон ваъдаларга кўниб яшайверарди. Мавлон билан ажрашганида ҳам кўзи очилмаган экан. "Мавлон ё қайнотасидан хайкиб, ёки обрўйига путур етишидан чўчиб, мендан қутулмоқчи", деб ўйлаган эди. Кейин англаса, у Мавлоннинг қўнғил ҳуши учун топилган бир қўғирчоқ экан. У қерақлигида Мавлон айланиб-ўргилди, пулини ҳазондек сочди, айтганини муҳайё қилди. Чучитилмаган ёгдай меъдага теғувдики, оппа-осон қутилиб қўя қолди. Нима бўлганига хатто Гулшаннинг ақли етмади ҳам.

Мавлоннинг ортидан янги шаҳарга қўчганидан буён атрофида ўзига ўхшаб ҳаёти барбод, тақдир қарғишига учраган, енгилтақлиги туфайли бахтидан ажраган ўнлаб, юзлаб аёллар борлигини кўрди. У-ку, бойликка ё Мавлоннинг ёлгон ваъдалари, ширин сўзларига ўқиб бу йўлга кадам қўйди. Ҳеч бўлмаганда иккинчи хотин номи бор. Бошқалар-чи? Аёллик ифқатини, ҳаёни, оналик бахти, вафо-садоқатни пулга сотаётганлар-чи? Уларнинг бу қўйга тушишига нима айбдор? Тирикчилигининг оғирлигим, ё орзу-ҳаваснинг қучайиб кетганими? Ёки ўзини ҳамма нарсага, хатто хотинларнинг ифқатига ҳам хўжайин ҳисоблайдиган Мавлон қабиларнинг тантик истакларими?

Гулшан хаёллардан бўшаб, яна ташкарига назар ташлади. Хозир кулогига болаларнинг кичкириги ҳам кирмади. Зум ўтмай, яна ўйга чўмаверди. Ўзи сингари бебахт аёлларнинг қисмати ўйлаб, бунинг айбдорини кидираверди. Аёлларнинг ахлоқсиз бўлиб, бузилиб кетаётганига ким айбдор, ким? Ё уларга ортикча эрк бериб юборилдими? Ўзи аёллиги учун бундай дейишга тили бормади. Ёки эркакларда ҳамият қолмадими? Харкалай, Раҳимларникида яшаганларида кексалардан хайкиб, эри билан ёнма-ён юришга ҳам ийманарди.

Бу ерга кўчиб келганида турмуш тарзининг хийла бошқачалигини кўриб анчагача кўниқолмай юрди. Бу ерда эринг тугул, хатто бегона эркакнинг пинжиги кириб ҳам юришинг мумкин. Чунки биров билан бировнинг иши йўқ, ҳеч қимдан хайикмайсан. Хамма ўзи билан ўзи овора! Насихат қиладиган, тартибга чакирадиган битта-яримта чиқиб қолса, икки оғиз гап билан тузласанг, бир умр дами чиқмай кетаверади...

Ўйлайвериб, бошига оғрик турди. Телба-тесқари хаёлларни миясидан қувмокчи бўлар, аммо улар сур пашшадай ёпирилиб келаверарди. Уф-ф, аёл кишига бунчалар кийин экан-да! Мана, ўзи бинойидай оиланинг фарзанди, бир чиройли хонадонга келин бўлиб тушувди, хаётдан нолимаса арзийди. Аммо тақдир уни ўз гирдобига солиб, бугунги кунга келтириб олди. Нега энди хамма айбни қисматга тўнкаяпти? Балки Мавлон йўлдан оздирмаганида хозир Раҳим билан тотув яшаб юрган бўлармиди? Ё кўз очиб кўрган эри айбдормиди? Эҳтимол, бошвогини кўйвормаганида, тергаб турганида, кўнглини топиш учун яхши сўзини қизганмаганида, бу йўлга кирмасмиди? Хўп, пули-ку, етишмас экан, тили ҳам йўқмиди? Ахир, олиб беролмасаям, ваъда бериб хотиржам қилмайдими? Ахир, аёл киши кулогидан семиришини хамма билади-ку! Ёки барига ўзининг енгилтақлиги, турмуш отлиг синонга тайёр эмаслиги сабабмикин? Нега ўшанда, ўша машъум ўтиришга кетаётганида бу тўғрида ўйламади? Ахир, хаёт факат кўнгилхушлик, орзу-хавасларнинг қониши, бахтли қулардан иборат эмаслигини қитобларда кўп ўқиганди-ку! Уни қайси шайтон йўлдан оздирди?..

У охири қатъий қарорга келди: тамом, ўзига ўт қўяди! Энди унга хаётнинг қизиги қолгани йўқ. Хар қадамда алданганини ҳис этиб яшаш қонига теғди. Сирдош ва меҳрибон онасидан ҳам ортик кўриб, хатто кўз очиб кўрганидан азиз қилиб юрган қишининг ўзга аёл билан яшаётганини тасаввур этишнинг ўзиёқ қувудини хар соатда қуйдиқарди, қурагини қиймалайди. Хар қуни бунақа азоб қечқандан қўра, бир марта ўлиб, қаридан қутулгани яхши эмасми?

Қанчалар севарди-я, Мавлонни! Турмушга қикаётганда ишқ нималигини қилмаган, хаёт қеганлари шу экан-да, қиб ўзига тасалли қериб яшаётган Гулшан, эҳтимол, Мавлонга қўбарқ келмаганида, шу қолга тушмасмиди? Йўқ, қарибир уни тоқарди. Чунки севқисиз яшаш энг дақшатли азоб-ку...

Аммо у севган инсон қудқин ва аблақ қикди. Ақар ундан ўч олишга эришганида аламзада қалб қироз тасқин топиши мумкин эди. Эҳтимол, ўшанда ўз қонига қасд қилмасмиди? Қемак, у ҳам ҳақсизликнинг, ҳам қавобсиз севқининг қурқони бўларқан-да! Эҳ, қўл ва содда аёллар, бунчалар ҳам ишонувқансиз! Нақот сен ҳам қадрингни тоқтатиб қўйсанг-а, Гулшан?!

Қинг таассуфқи, у Мавлонни ўлдиришга, ундан қасос олиб қумордан қикишга ўзида қуқ ҳам, қолаверса, рақбат ҳам тоқолмади. Шундай экан, қуқи ўзига етади қолос...

Ўз қонига қасд қилувқилар руқий қихатдан оқиз, аммо иродаси қуқли одамларқир, дейишади... Гулшан ўзини қуқсақ иродали қишилар қаторига қўша олмасди. Хозир унинг қувудини ишонқисизлик, нотавонлик, қусса, айни қайтда атроқидақи одамларга қечқисиз

нафрат камраб олган эди. Аммо нимадир тезрок ўзини ўлдиришга даъват килаверарди. Дарвоқе, кизининг холи не кечади? Кимларнинг кўзига мўлтираб, кимнинг кўлига қарайди? Юрагини яна алам эзгилади. Кизи хақидаги ўйларини миясидан қувмокка киришди. Агар унинг тақдири тўғрисида яна озгина бош котирса, ўлиш ниятидан воз кечвориши ҳеч гапмас. Аммо бундай қилишга ҳаққи йўқ, у албатта ўтда ёниши керак! Ие, нима учун ўт кўяди? Бунақа қилиб ёниб ўлишнинг турган-битгани дахшат-ку. Борди-ю, уни қутқариб қолишса-чи? Йўқ, йўқ, бунга асло чидай олмайди. Барибир ёруғ дунёдан кетиши керак, Мавлон қаби ифлослар юрган заминда қолишга виждони йўл қўймайди...

Ўлимнинг турлари кўп экан. Масалан, осонгина захар ичиб кўяколса ҳам бўлади. Унча азоб чекмайди. Ёки газни очиб уйкуга ётса, бас, эрталабгача, қарабсанки, дунё билан хайрлашиб бўпсан! Уйнинг айвонига чиқиб, шундай ўзини пастга ташласа ҳам кифоя: бақадай тап етиб тушадию, тинчийди-колади.

Аммо Гулшан ўзига ўт қўйиб, гуриллаб ёнишни афзал билди. Ўзининг бахтсиз никоҳини, омадсиз мухаббатини, ушалмаган армонларини – ҳаммасини аланга ўз домига кандок тортишини ўз кўзи билан қўриб ўлмокчи! Агар олов қучайиб, тезда бир ховуч қулга айлантириб қўймаса, у эри Раҳим олдидаги, кизи олдидаги ўзининг гуноҳларини алангаю оташ қучоғида ювади. Олов уни тўзғок ва аянчли, бебахт ва иркит ўтмишидан халос этади. Юрагига таскин, дардларига малҳам бўлади. Олов уни шу қўйга тушишининг сабабчисидан, энди унинг қўнгил яраларига туз сепиб майна қилаётган ўша палид Мавлондан абадий айиради...

У гандирақлаганича ўрнидан турди. Шошилмай уст қийимларини ечиб, факат ич қўйлақда қолди. Кейин кеча қўшни шофёр йигитдан ялиниб олган шишадаги бензинни ошхонага олиб чиқди. Кўзларини юмганича суюкликни бошидан қуйди. Аввал ҳамма ёғи музлади. Сўнг баданига хузурбахш иликлик югурди. Факат бадбўй хид қўнглини беҳузур қилиб, ўқчик келтирди. Кейин қалт-қалт титраганичагаладондан гугуртни олди. Гугурт донасини қутига шошилмай ишкади. Лов этиб ёнди, уй чакмок чаккандай ялт этиб ёришиб кетди. Бир сониянинг ичида эсини таниганидан то бугунгачалик хаёти кинодагидай кўз олдидан шиддат билан лип-лип ўтди. Беихтиёр овозининг борича "абажон" деб қичкириб юборди. Танасини чидаб бўлмас оғрик чирмади, димоғи ўзидан чиққан бадбўй хидга ёрилай деди. Кафасдаги қуш қаби тор хона ичида тинмай типирчилар, бу азобдан қутулиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Аммо энди иложи йўқлигини ҳам билиб турарди. Кейин эса... Кассоб қўлига тушиб, тақдирга тан берган қўйдаи хотиржам тортди. Нажот истаб, икки қўлини олдинга чўзганича бир қадам юрдию, ортик бардоши етмади. Кўзларини қатта-қатта очиб, ерга юз тубан йиқилди.

1988 йил